

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг АХБОРОТНОМАСИ

№5/2019(146) 1995 йилдан чиқа бошлаган

БЮЛЛЕТЕНЬ Верховного суда Республики Узбекистан

БОШ МУХАРРИР:

Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ

Светлана АРТИКОВА

Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ

Бахтиёр ИСАКОВ

Замира ЭСОНОВА

Олим ҲАЙИТОВ

Азиз МИРЗАЕВ

Бобомурод РАЙИМОВ

Журнал 2007 йил
19 апрелда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0249-рақам билан
рўйхатдан ўтган.

Республика Олий
аттестация комиссияси
Раёсатининг 2004 йил
17 декабрдаги 110/4-сонли
қарорига асосан ҳуқуқий,
илмий-амалий журнал
ваколати берилган.

Босишга 9.09.2019 йилда
топширилди. Бичими: А4.

«Muharrir nashriyot» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри,
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.
Адади: 5315 нусха.
Буюртма № 135.

МУНДАРИЖА

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори

*Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан
2019 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида кўрилган
ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида*

18. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори

*Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан
2019 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида кўрилган
ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида*

27. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори

*Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан
2019 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида кўрилган
ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида*

37. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори

*Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан
2019 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида кўрилган
ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида*

49. Судьялар олий малака ҳайъатининг судьяларга малака

даражалари бериши тўғрисидаги қарори



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ
Қ А Р О Р И

2019 йил 25 июль

№ РС-48-19

Тошкент шаҳри

**Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан
2019 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида
кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида**

Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорини муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ Олий суд Раёсати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Куч — адолатда" газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суд Матбуот хизмати, Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) ушбу суд амалиёти обзорини Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси, "Одил судлов" — "Правосудие" журнали ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Х.Ёдгоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси**

К. КАМИЛОВ

1. Айбдорнинг ҳаракатларини безорилик, яъни жамиятга ва умумэтироф этилган ахлоқ қоидаларига рўй-рост ҳурматсизлик замирида содир этилган (масалан, ҳеч бир сабабсиз ёки арзимаган сабаб туфайли) қасддан одам ўлдириш сифатида квалификация қилиш учун айбдорнинг феъл-атворида жамоат тартибига ошқора бўйсунмаслик, атрофдагиларга нисбатан ўзини қарши қўйиш, беписандлик намойиш этиш истаги мавжуд бўлиши зарур.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг 2016 йил 30 ноябрдаги ҳукмига кўра, М.Н. Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "л" банди билан 16 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 18 январдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, М.Н. отаси И.Д.ни 2016 йил 13 август куни А.Х. ва унинг тоғалари Б.А., А.А. ва А.А.лар ўзаро жанжал натижасида уришиб, енгил тан жароҳати етказишганидан газабланиб, 2016 йил 15 август куни соат 10:00 ларда Қарши шаҳар "Нақшаб дарвозаси" деҳқон бозорида савдо ишлари билан шуғулланиб турган А.Х.нинг олдига келиб, "кеча нима учун тоғаларинг билан отамни уриб кўзини кўкартирдинг?" деб ўзаро тортишиб, жамоат жойи ҳисобланган бозорнинг ичида жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан ҳақорат қилиб, бозорга савдо-сотик учун келган фуқароларнинг тинчлигини бузиб, ўзида бўлган қайчи билан А.Х.нинг бўйин соҳасига икки марта санчиб, ҳаёти учун хавфли бўлган оғир шикаст етказиб, безорилик оқибатида қасддан ўлдирганликда айбдор деб топилган.

Суд М.Н. томонидан содир этилган жиноят тафсилотларини тўғри аниқлаб, унинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган бир вазиятда, унинг ҳаракатларини квалификация қилишда хатоликка йўл қўйган.

Олий суд Пленумининг 2014 йил 3 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги қарори 5-бандида судларнинг эътибори Жиноят процессуал кодексининг 22-моддасига

биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилган. Бунда Жиноят процессуал кодексининг 26 ва 455-моддалари талабига биноан ҳукм фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозим.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори 5-бандига кўра, агар қилмишда Жиноят кодексининг 97-моддаси иккинчи қисмида кўрсатиб ўтилган квалификация белгилари, шунингдек, мазкур кодекснинг 98-101-моддаларида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, масалан, қотиллик безорилик туйғулари билан эмас, балки ўзаро жанжал ёки уришиш натижасида, рашк туфайли, ўч олиш, ҳасад, адоват, нафрат оқибатида содир этилган бўлса, қасддан одам ўлдириш жинояти Жиноят кодексининг 97-моддаси биринчи қисми бўйича квалификация қилиниши;

16-бандига кўра, безорилик оқибатида, яъни жамиятга ва умумэтироф этилган ахлоқ қоидаларига рўй-рост ҳурматсизлик замирида содир этилган (масалан, ҳеч бир сабабсиз ёки арзимаган сабаб туфайли) қасддан одам ўлдириш Жиноят кодексининг 97-моддаси иккинчи қисми "л" банди билан квалификация қилиниши лозим. Бунда айбдорнинг феъл-атворида жамоат тартибига ошқора бўйсунмаслик, атрофдагиларга нисбатан ўзини қарши қўйиш, беписандлик намойиш этиш истаги мавжуд бўлади.

Бироқ биринчи инстанция суди иш бўйича қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига амал қилмаган.

Судланган М.Н. судда айбига қисман иқдорлик билдириб, 2016 йил 13 август куни отаси И.Д.ни А.Х. ва унинг тоғалари Б., А. ва А. А.лар уриб, кўзини кўкартиришгани, 2016 йил 15 август куни бозорда онасига қарашиб юрганида, А.Х.ни кўриб қолиб, унга "ака, нима учун кеча отамни тоғаларинг билан уриб кўзини кўкартирдинг?" деб, ўзаро тортишиб қолиб, ерга йиқитишгани ва чўнтагидан қайчини олиб, А.Х.ни бўйнига санчиб олгани, шунда А.Х. бўйинини ушлаб дўконга қараб қочиш кетганини баён этган.

Гувоҳ А.Аб. кўрсатмасида, ҳақиқатан ҳам, 2016 йил 13 август куни М.Н.нинг отаси И.Д. билан улар ўртасида жанжал бўлиб, бир-бирига жароҳат етказишгани, 15 август куни бозорда жияни А.Х. бўйин қисмидан қон оққан ҳолда унинг олдига югуриб келиб, М.Н. қайчи санчиб олганини айтгани, уни зудлик билан шифохонага олиб боргани, бироқ жияни А.Х.ни шифохонада жони узилганини баён этган.

Гувоҳ Ш.Р. кўрсатмасида шу воқеа рўй берган куни бозорда унинг растасидан 2 метр узоқликда А.Х. билан М.Н. ўзаро тортишиб, ариққа йиқилиб тушишгани, А.Х. бўйнидан қон оққан ҳолда югуриб кетгани, воқеа жуда тез юз бергани сабабли нима бўлганини англай олмаганини баён этган.

Гувоҳ И.Д. 2016 йил 13 август куни А.Х. ва унинг тоғалари Б., А. ва А.А.лар уни уриб, тан жароҳати етказишгани, айнан А.Х. уни уриб кўзини кўкартир-

гани, бироқ шифохонага мурожаат қилмагани, ўғли М.Н. А.Х.ни бўйнига қайчи санчиб олганини кўрмаганини баён этган.

Суд жиноят процесси иштирокчиларининг ушбу кўрсатувларига ҳуқуқий баҳо бермаган.

Шунингдек, жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2016 йил 15 сентябрдаги қарорига кўра, И.Д., А. ва А.А.лар 2016 йил 13 августда содир этган майда безориликлари учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 183-моддаси билан айбли деб топилиб, 10 суткадан маъмурий қамоқ, Б.А. эса, 390 720 сўм жарима жазосига тортилган.

Иш материалларидан кўринишича, М.Н. воқеа содир бўлган куни отаси И.Д.нинг ўчини олиш мақсадида А.Х.ни бўйин соҳасига қайчи билан уриб, қасддан ўлдирган.

Суд М.Н.ни безорилик оқибатида А.Х.ни қасддан ўлдирган деган хулосага келиш учун деҳқон бозорида кўпчиликнинг кўз ўнгида А.Х.ни бўйин соҳасига қайчи билан уриб, қасддан ўлдирганлиги ҳолатини асос қилиб олган бўлса-да, М.Н.нинг ҳаракати жамонат тартибига эмас, балки шахсий келишмовчилик замирида А.Х.ни унинг отаси И.Д.га қилган ножоиз хатти-ҳаракатларига қаратилган жиноятга сабаб бўлганини эътибордан четда қолдирган.

Қайд этилганлар эътиборга олиниб, судлов ҳайъатининг 2017 йил 4 сентябрдаги ажрими билан М.Н.нинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "л" бандидан ушбу кодекснинг 97-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилинган.

2. Судьялар зарурий мудофаа аломатлари бор ёки йўқлиги масаласини ҳал этишда ҳимояланувчига туғдирилган хавфнинг характери, ҳимоянинг кучи ва тажовузни қайтариш имкониятлари, ҳужум ва ҳимояланувчининг кучи нисбатларига таъсир кўрсатувчи ишдаги барча ҳолатларни ҳисобга олишлари зарур.

Жиноят ишлари бўйича Қизилтепа туман судининг 2015 йил 11 майдаги ҳукмига кўра, Х.С. Жиноят кодексининг 97-моддаси 1-қисми билан 11 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят суди апелляция инстанциясининг 2015 йил 18 июндаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Х.С. 2015 йил 2 февраль куни соат 19:30 ларда На-

вой шахридаги "Алладин" қаҳвахонасида божаси О.Р. билан бирга овқатланиб, спиртли ичимлик истеъмол қилиб, ўзаро жанжаллашиб қолишган.

Шундан сўнг соат 22:30 ларда О.Р. маст ҳолатда Х.С.нинг яшаш хонадонига бориб, уни ва фарзандларини ножўя сўзлар билан ҳақорат қилиб, ташқарига чиқишини талаб қилгани учун Х.С. уйдан ошхона пичоғини олиб чиқиб, О.Р.ни қасддан ўлдириш мақсадида пичоқ билан чап кўкрак соҳасига бир марта уриб, қасддан ўлдирган.

Жиноят процессуал кодексининг 22-моддасида судда иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчи ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам энгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши назарда тутилган.

Иш ҳужжатларига қараганда, О.Р. 2015 йил 2 февраль куни соат 22:30 ларда Х.С.нинг хонадонига келиб, дарвозасига тош отиб, Х.С. ва унинг оила аъзоларини ёмон сўзлар билан ҳақоратлаб, ташқарига чиқишини талаб қилгач, Х.С. вояга етмаган фарзандлари Ш.Т. ва М.С. билан уни тинчлантириш мақсадида ташқарига чиққанида О.Р. Х.С.га тош отган, у билан келган Т.Н. ва М.Х. вояга етмаган Ш.Т.ни ерга йиқитиб ура бошлаганлар, М.С. уларни ажратишга борганида уни ҳам итариб ерга йиқитишган, ҳолатни тўғри аниқлаб етмаган Х.С. ўзини ва фарзандларини ҳимоя қилиш мақсадида О.Р.нинг кўкрак қисмига бир марта пичоқ урган.

Х.С. судда ўғли Ш.Т. ва қизи М.С.ни икки йигит ураётгани, ўзини эса, О.Р. тош билан урмоқчи бўлгани сабабли ўзини ва фарзандларини ҳимоя қилиш мақсадида О.Р.га бир марта пичоқ ургани ҳақида кўрсатма берган.

Вояга етмаган Ш.Т. дастлабки тергов ва судда унга биринчи зарбани

Т.Н. бергани, кейин М.Х. орқа елкасига тош билан ургани ҳақида кўрсатма берган.

Шундай ҳолатда суд юзлаштириш ўтказиш орқали қайд этилган кўрсатмалардаги қарама-қаршиликларни бартараф этмай, Х.С. ва вояга етмаган Ш.Т.нинг кўрсатмалари қандай асосларга кўра, рад этилишини ҳукмда асослантормаган.

Суд ҳукмда марҳум О.Р.га етказилган тан жароҳати даражаси ва унинг ўлимининг келиб чиқиши сабабларини ёритмаган.

Бундан ташқари Олий суд Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги "Ижтимоий хавfli тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларни судлар томонидан қўлланилиши ҳақида"ги қарори 5-бандида судлар зарурий мудофаа аломатлари бор ёки йўқлиги масаласини ҳал этишда ҳимояланиш ва ҳужум воситаларини ҳисобга олишдан ташқари, тажовузчи томонидан ҳимояланувчига туғдирилган хавфнинг характери, ҳимоянинг кучи ва тажовузни қайтариш имкониятлари, шунингдек, ҳужум ва ҳимояланувчининг кучи нисбатларига таъсир кўрсатувчи ишдаги барча ҳолатларни (ҳужум қилувчи ва ҳимояланувчиларнинг сони, уларнинг ёши, жисмоний қуввати, қуроли, жой, вақт ва бошқалар) ҳисобга олишлари зарурлиги кўрсатилган.

Бироқ суд қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига амал қилмай, вояга етмаган Ш.Т. ва 18 ёшли М.С.га ҳужум қилиб, уриб тан жароҳат етказган Т.Н. ва М.Х.нинг, шунингдек, марҳум О.Р.нинг ёши, жисмоний қуввати, ҳимояланувчиларнинг кучи тажовузни қайтариш имкониятига эга ёки эга эмаслигини текширмаган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"ги қарори 15-бандида апелляция инстанция суди тўлиқ суд тергови ўтказиши, биринчи инстанция суди томонидан текширилмаган далилларни текшириб чиқиши ва уларга

ҳуқуқий баҳо бериши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ апелляция инстанцияси суди қайд этилган ваколатларини тўлиқ ба-
жармаган.

Шу сабабли судлов ҳайъатининг 2016

йил 24 октябрдаги ажрими билан жи-
ноят ишлари бўйича Навоий вилоят
суди апелляция инстанциясининг аж-
рими бекор қилиниб, жиноят иши ян-
гидан шу инстанция судида кўриш учун
юборилган.

**3. Шахсининг қилмишида жиноят таркиби мавжуд бўлмаганда, иш бўйича
чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши реабилитация
асосларига кўра, тугатилади.**

Жиноят ишлари бўйича Миробод туман
судининг 2017 йил 10 мартдаги ажрими-
га кўра, суд мажлиси баённомаси тас-
диқланиб, Жиноят кодексининг 111-мод-
даси 1-қисми билан С.Х.га нисбатан юри-
тилган жиноят иши ярашилганлиги муно-
сабати билан тугатилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар
суди кассация инстанциясининг 2017 йил
3 майдаги ажрими билан ажрим ўзгариш-
сиз қолдирилган.

Суднинг ажримига кўра, С.Х. Тошкент
Марказий темир йўл вокзалининг фуқа-
роларни кутиб олиш учун мўлжалланган
7-сонли постда хизмат олиб бораётган
вақтида Тошкент Марказий темир йўл вок-
залига "Термиз — Тошкент" йўналиши
бўйлаб қатновчи поездда келаётган ота-
онасини кутиб олиш учун чиққан фуқаро
Ф.Н.нинг ҳақорат қилганлигини важ
қилиб, уни кўлидан ушлаб, ичкари томон-
га олиб кирмоқчи бўлган вақтида Ф.Н.
С.Х.нинг кўлидан чиқиб кетиб, ерга йиқи-
лиши оқибатида, суд-тиббиёт эксперти-
засининг 2016 йил 8 ноябрдаги хулоса-
сига кўра, "ўртача оғир" тан жароҳати
олган.

Жиноят процессуал кодексининг 22-
моддасида терговчи, прокурор ва суд жи-
ноят юз берганлигини, унинг содир эти-
лишида ким айбдорлигини, шунингдек, у
билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқла-
ши шартлиги, иш бўйича исботланиши
лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик
билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона
текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юза-
га келадиган ҳар қандай масалани ҳал
қилишда айбланувчини ёки судланувчи-
ни ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган
ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олини-
ши лозимлиги кўрсатилган.

Олий суд Пленумининг 2002 йил 25 ок-

тябрдаги "Ярашув тўғрисидаги ишлар
бўйича суд амалиёти ҳақида"ги қарори
7-бандида қонунда ярашув тўғрисидаги
ишлар бўйича суд мажлисида гумон қили-
нувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрла-
нувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг
қонуний вакиллари, ҳимоячилари ва про-
курор иштирок этиши назарда тутилган-
лиги, бироқ бу суднинг иш юзасидан қону-
ний, асосли ва адолатли қарор қабул
қилиши учун зарур бўлган ҳолларда
юқорида кўрсатилганлардан ташқари ўзга
шахсларни ҳам ишга жалб этиш ҳамда
қонунда назарда тутилган бошқа ваколат-
лардан фойдаланиш ҳуқуқини чекламас-
лиги, суд ажрим чиқаришда Жиноят про-
цессуал кодексининг 586-моддасида на-
зарда тутилган талабларга қатъий риоя
этиши шартлиги тўғрисида;

Олий суд Пленумининг 1997 йил 22 ав-
густдаги "Судлар томонидан жиноят иш-
ларини биринчи босқич судида муҳока-
ма этиш жараёнида процессуал қонунчи-
ликка риоя қилиниши тўғрисида"ги қаро-
ри 4-бандида судларнинг эътибори ҳар
бир ишни кўришда далилларни бевосита
суд мажлисида текширишга, яъни судла-
нувчиларни, жабрланувчиларни, гувоҳлар-
ни сўроқ қилиш, эксперт хулосасини тин-
глаш, ашёвий далилларни кўздан кечи-
риш, баённомаларни ва бошқа ҳужжат-
ларни эълон қилишга; 6-бандида ашёвий
далилларни, ҳужжатларни текшириш,
жойни ва бинони кўздан кечириш иш
бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун аҳамият-
ли эканлигига қаратилиши, ашёвий да-
лиллар ва ҳужжатлар суд мажлисида иш
бўйича бошқа далиллар қаторида чуқур
текширилиши (шунингдек, кўздан кечири-
лиши, эълон қилиниши) лозимлиги ҳақида
тушунтиришлар берилган.

Иш бўйича қайд этилган қонун талаб-

лари ҳамда Пленум қарорлари тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Биринчи инстанция суди жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида жалб қилинган С.Х.га оид жиноят ишини кўриб чиқишда жиноят юз берганлиги ва у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаш чораларини кўрмаган, шунингдек, гумон қилинувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг ҳолат юзасидан тергов даврида берган кўрсатмаларига тегишли баҳо бермаган ва Жиноят процессуал кодексининг 585-586-моддаларига тўла риоя қилмасдан жиноят ишини дастлабки тергов юритиш учун прокурорга юбориш тўғрисидаги масалани муҳокама қилмасдан ишни ярашилганлиги муносабати билан Жиноят кодексининг 66¹-моддасига асосан тугатиш ҳақида барвақт хулосага келган.

Кассация инстанцияси суди ишни С.Х.нинг шикояти асосида кўриб чиқиб, тергов органи ҳамда биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрмаган ва ажримни бекор қилиш учун асослар мавжуд эканлигини инобатга олмасдан уни ўзгаришсиз қолдириш ҳақида асоссиз хулосага келган.

Жиноят процессуал кодексининг 2-моддасига кўра, айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этиш ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлаш жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари ҳисобланади.

Шу кодекснинг 3-моддасига мувофиқ жиноят ишларини юритиш, жиноят содир этилган жойдан қатъи назар, башарти, Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузилган шартнома ва битимларида ўзгача қоидалар белгиланмаган бўлса, иш юзасидан суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси юритилаётган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади.

Жиноят процессуал кодексининг 586-моддаси тўртинчи қисми 1-бандига кўра, суд ажримининг қарор қисмида жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан ёки ушбу Кодекснинг 83 ва 84-моддаларида белгиланган бошқа асос-

лар бўйича тугатиш ёхуд уни умумий қоидалар бўйича дастлабки терговни амалга ошириш учун прокурорга юбориш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади.

Жиноят кодексининг 14-моддасига мувофиқ, ушбу кодекс билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаркат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади. Ушбу кодекс билан қўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавfli қилмиш деб топилади.

Жиноят кодексининг 111-моддаси 1-қисмида эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир шикаст етказганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Қонун мазмунига кўра, эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятлар етказилган оқибатга қараб, айрим ҳолларда эса, бу оқибатларни вужудга келтирган усул ва воситасига қараб тавсифланади. Бундай турдаги жиноятлар учун жавобгарлик масаласи ижтимоий хавfli оқибат етказилиши билан юзага келади. Қилмиш (ҳаркат ёки ҳаракатсизлик)нинг мавжуд бўлмаслиги, ўз навбатида, жавобгарликни юзага келтирмайди.

Олий суд Пленумининг 2007 йил 27 июндаги "Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори 2-бандида баданга шикаст етказишга оид ишлар бўйича қилмишни тўғри квалификация қилиш учун айб шакли, баданга шикаст етказиш мотиви, мақсади ва усули, айбдорнинг қилмиши билан келиб чиққан оқибат ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги, шунингдек, ишнинг тўғри ҳал этилиши ва айбдорга адолатли жазо белгиланиши учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар батафсил аниқланиши лозимлигига судларнинг эътибори қаратилиши, 22-бандида агар айбдор қўллаган зўрлик жабрланувчини дўппослаш, унинг баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказишга сабаб бўлса, жабрланувчи баданига оғир шикаст (ёки жабрланувчининг ўлими) айбдорнинг айби билан қамраб олинмаган ҳолатлар бўйича (масалан, зарбадан сўнг йиқилиш натижасида) келиб чиққан

бўлса, айбдор оқибатига кўзи етмаган, бироқ кўзи етиши шарт ва мумкин бўлган ёхуд кўзи етса-да, етарли асосларсиз унинг олдини олишни мўлжаллаб қилган ҳаракатлари натижасида келиб чиққан оқибатлар Жиноят кодексининг 111 ёки 102-моддалари билан квалификация қилиниши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Кассация инстанцияси суди ҳам жиноят ва жиноят-процессуал қонуни нормаларига ҳамда Пленум қарори тушунтиришларига амал қилмасдан, биринчи инстанция суди томонидан ишнинг ҳақиқий ҳолатлари қанчалик тўғри аниқланганлигини, моддий ва процессуал қонун нормалари қанчалик тўғри қўлланилганлигини текширмаган.

Чунки С.Х. ўз кўрсатмаларида 2016 йил 2 ноябрь куни соат 6:00 ларда Тошкент Марказий темир йўл вокзалининг 3-сонли дарвозасида хизмат вазифасини ўтаб турганида кимдир дарвозани ташқаридан тепа бошлагани, дарвоза эшигини очиб қараганида кейинчалик таниган Ф.Н. онасини кутиб олиш учун вокзал ҳудудига кирмоқчи бўлгани, шунда унга бу дарвозадан кириш мумкин эмаслигини айтиб, ичкарига қўймаганида Ф.Н. уни ҳар хил сўзлар билан ҳақоратлагани, сўнгра Ф.Н.нинг отаси вокзалнинг ички ҳудудидан бошқа йўловчилар билан бирга чиқиб келгани, Ф.Н. яна ичкарига кирмоқчи бўлганида, ичкарига кириш мумкин эмаслигини айтиб киритмагани, бироздан сўнг Ф.Н. яна қайтиб келиб, дарвозани тепиб, уни яна ҳақоратлаб, онаси ичкарида экани, юқларини олиб чиқишга ёрдамлашиш кераклиги учун ичкарига кирмоқчи бўлгани, шу вақтда Ф.Н.нинг онаси келиб қолгани, шу вақтда бу ерга раҳбари У.Э. ҳам келгани, уни ҳақоратлаганлиги учун Ф.Н.ни ичкарига олиб кирмоқчи бўлганида, унга бўйсунмасдан қаршилик кўрсатиб, орқага ҳаракатлангани учун қўлидан чиқиб кетиб, онаси билан бирга ерга йиқилиб тушганлигини баён қилган.

Жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини юритган Тошкент транспорт прокуратураси томонидан мазкур ҳолат бўйича Ф.Н.га нисбатан 2017 йил 15 февраль куни Маъмурий жавобгарлик

тўғрисидаги кодекснинг 183-моддаси билан маъмурий иш қўзғатилган ва иш судда кўриб чиқилиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 21-моддасига асосан тугатилиб, Ф.Н. маъмурий жавобгарликдан озод этилган.

Шунингдек, жиноят ишига қўшилган Тошкент Марказий темир йўл вокзалининг 3-дарвозаси олдида ўрнатилган кузатув камерасига тасвирга олинган DVD дискда 2016 йил 2 ноябрь куни бўлиб ўтган воқеа тафсилотлари тасвирланган бўлиб, унда қайд этилган ҳолатлар воқеа шохидларининг юқорида баён этган кўрсатмаларига тўла мос келади.

"Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида"ги қонуннинг 1-моддасига кўра, милиция ходимлари давлат ҳокимиятининг вакили эканлиги, давлатнинг алоҳида ҳимоясида бўлиши белгилаб қўйилган. Милиция ходимининг қонуний талабларини барча фуқаролар ва мансабдор шахслар бажаришга мажбурдирлар. Милиция ходимининг қонуний талабини бажармаслик, шунингдек, уни ҳақоратлаш, унга қаршилик кўрсатиш, дўқ-пўписа қилиш, зўрлик ишлатиш ва унинг ҳаётига тажовуз қилиш, шунингдек, милиция ходимининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришига тўсқинлик қилувчи бошқа хатти-ҳаракатларни қилиш Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади. Ушбу қонуннинг 2-моддасида милиция ходимининг кўрсатмалари фуқароларнинг, у ҳуқуқбузар, жабрланувчи ёки гувоҳ бўлишидан қатъи назар, кўрсатмалари билан тенг равишда далилий аҳамиятга эгаллиги, зарур мудофаа, ўта зарурат бўлган ҳолатда ёки касбига кўра, ўринли таваккалчилик қилиш ҳолатда милиция ходими томонидан содир этилган хатти-ҳаракатлар гарчанд Жиноят кодексига кўзда тутилган жиноий ҳаракатлар кўринишида бўлса ҳам, жиноят деб ҳисобланмаслиги кўрсатилган.

Тергов органи эса, қайд этилган қонун талабларига амал қилмасдан ва иш бўйича тўпланган объектив далиллар йиғиндисига ҳуқуқий баҳо бермасдан, С.Х.ни

Жиноят кодексининг 111-моддаси 1-қисми билан ишда гумон қилинувчи тариқасида жалб қилиб, ишни ярашилганлиги муносабати билан судга юбориш тўғрисида қарор чиқарган.

Жиноят иши материалларига кўра, С.Х. Тошкент тармоқ ИИБ ППХ милиция ходими вазифасида ишлаб келиб, 2016 йил 2 ноябрь куни Тошкент Марказий темир йўл вокзалида хизмат вазифасини бажариб турганда, фуқаро Ф.Н. уни уятли сўзлар билан ҳақоратлаб, қонуний талабларини бажармаган. Шунда С.Х. ҳуқуқбузарлик содир этгани учун Ф.Н.га нисбатан тегишли тартибда чора кўриш учун навбатчилик қисмига олиб бормоқчи бўлганида, Ф.Н. милиция ходимларига нисбатан қаршилик кўрсатиб, уларга бўйсунмасдан С.Х.нинг қўлидан чиқиб кетишга ҳаракат қилган вақтида онаси билан бирга ерга йиқилиб тушиши оқибатида "ўртача оғир" тан жароҳати олган.

С.Х. ўзига берилган ваколатлар доирасида хизмат вазифаларини бажарган бўлиб, у томонидан жабрланувчи Ф.Н.га нисбатан уриш, туртиш ёки итариб юбориш каби ҳаракатлар содир этилмаган, аксинча, Ф.Н. ИИБ ходимларига қаршилик кўрсатиб, фаол ҳаракат билан орқага тисарилган вақтида С.Х.нинг қўлидан чиқиб кетиб, ерга йиқилиши оқибатида тан жароҳати олган.

Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 2-бандида қилмишда жиноят таркиби бўлмаса, гумон қилинувчи айбсиз деб

топилиши ва реабилитация этилиши лозимлиги кўрсатилган.

Жиноят процессуал кодексининг 401-моддасига мувофиқ ушбу кодекснинг 83-моддасида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлса, суд жиноят ишини тугатади. Шу кодекснинг 493-моддасида жиноят ишини назорат тартибида кўриб, суд ушбу кодекснинг 83-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, шунингдек, биринчи инстанция судида кўриб чиқилган далиллар судланувчини айбдор деб топиш учун етарли бўлмаса ва қўшимча далиллар тўплаш имконияти қолмаган бўлса, жиноят ишини тугатиши кўрсатилган.

Олий суд Пленумининг 2008 йил 15 майдаги "Судлар томонидан жиноят ишларини назорат тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"ги қарори 28-бандида берилган тушунтиришларга кўра, назорат инстанцияси суди ҳукми, ажримни, қарорни бекор қилганда, Жиноят процессуал кодексининг 83, 84-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, ишни тўлиқ ҳажмда ёки мустақил квалификация қилинган айблов қисми бўйича тугатади.

Шу сабабли судлов ҳайъатининг 2018 йил 13 мартдаги ажрими билан С.Х.нинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли иш бўйича чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 2-бандига асосан тугатилган.

4. Бир неча жиноят содир этилганда, агар жиноятлардан бири бошқасини содир этиш воситаси ёки усули бўлиб, ҳар иккала жиноят белгила-ри Жиноят кодексининг тегишли моддаси диспозициясида кўрсатилган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг фақат оғирроқ жиноят учун жавобгарлик белгиловчи битта моддаси билан квалификация қилиниши керак.

Жиноят ишлари бўйича Паркент туман судининг 2017 йил 22 июндаги ҳукмига кўра, Р.А. Жиноят кодексининг 219-моддаси 2-қисми, 105-моддаси 1-қисми билан Жиноят кодексининг 57, 59-моддалари тартибида энг кам ойлик иш ҳақининг 400 баравари миқдоридан 59 910 000 сўм жарима жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди апелляция инстанциясининг

2017 йил 18 июлдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Р.А. "Нексия" русумли автомашинани "Паркент — Янгибозор қўрғони" йўналишида уяли телефондан фойдаланган ҳолда бошқариб кетаётганида, Паркент шаҳри, Марказий кўчасида хизмат вазифасини ўтаётган Тошкент вилояти ИИБ ЙПХБ 4-отряд ЙПХ катта инспектори, сержант С.Г. томонидан тўхтатилиб, ҳужжатла-

рини тақдим этиш сўралганида, Р.А. ҳужжатларни беришдан бош тортган, сўнгра С.Г. унга автомашинани жарима майдончасига олиб боришини тушунтирган вақтида, Р.А. ИИБ ЙПХ катта инспекторининг қонуний талабларига бўйсунмасдан, хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига фаол қаршилик кўрсатиб, автомашинани ҳайдаб юбориб, 5-6 метр масофага судраб кетиб, С.Г.га чап оёқ 1-бармоқ тирноқ фалангасининг асоси ёпиқ синиши, ўнг тирсак бўғми сидириб шилиниши оқибатида "ўртача оғир" тан жароҳати етказиб, унинг хизмат вазифасини бажаришдан воз кечишга мажбур қилганликда айбдор деб топилган.

Суд Р.А.нинг хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакили ҳисобланган ИИБ ЙПХ катта инспектори С.Г.нинг қонуний талабларига бўйсунмасдан, унинг қонуний фаолиятига фаол қаршилик кўрсатиб, ўз хизмат вазифасини бажаришдан воз кечишга мажбур қилганликда ифодаланган жиноятни содир этганликдаги айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, унинг ҳаракатларини квалификация қилишда хатога йўл қўйган.

Жиноят кодексининг 8-моддаси 2-қисмига кўра, ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Олий суд Пленумининг 2008 йил 15 майдаги "Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида"ги қарори 8-бандида қилмиш Жиноят кодексининг бир неча моддаларида кўрсатилган объектга нисбатан содир этилганда (умумий ва махсус норма рақобати) жиноятлар мажмуи мавжуд бўлмаслиги ва у махсус норма бўйича квалификация қилиниши лозимлиги, 10-бандида бир неча жиноят содир этилганда, агар жиноятлардан бири бошқасини содир этиш воситаси ёки усули бўлиб, ҳар иккала жиноят белгилари Жиноят кодекси тегишли моддаси диспозициясида кўрсатилган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг фақат оғирроқ жиноят учун жавобгар-

лик белгиловчи битта моддаси билан квалификация қилиниши, бунда қилмишни енгилроқ жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи модда билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмаслиги тўғрисида тушунтиришлар берилган.

Бироқ иш бўйича қайд этилган қонун талаби ҳамда Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Хусусан, биринчи инстанция суди Р.А.ни хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг ўз хизмат вазифасини бажаришдан воз кечишга мажбур қилгани учун Жиноят кодексининг 219-моддаси 2-қисми билан айбдор деб топган.

Қонун мазмунига кўра, мажбурлаш вақтида қўлланиладиган жисмоний зўрлик ишлатиш деганда, жисмоний азоб берадиган ҳамда жабрланувчининг иродасига хилоф равишда унинг жисмоний эркинлигини чеклайдиган ҳаракатлар содир этиш, шунингдек, уриш, дўппослаш ва бошқа ҳаракатлар орқали шахс баданига ўртача оғирликдаги шикаст етказиш тушунилади.

Суд Р.А.нинг хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакили Тошкент вилояти ИИБ ЙПХБ 4-отряд ЙПХ катта инспектори, сержант С.Г. қонуний талабларига бўйсунмасдан, унинг қонуний фаолиятига фаол қаршилик кўрсатиб, унга ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказиб, хизмат вазифасини бажаришдан воз кечишга мажбур қилганликда ифодаланган ҳаракатларини Жиноят кодексининг 105-моддаси 1-қисми билан ортиқча квалификация қилган.

Апелляция инстанцияси суди ҳам иш бўйича йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрмаган ва Р.А.га тайинланган жазонинг жиноятнинг оғирлик даражасига ва судланганнинг шахсига мувофиқ эканлигини тўлиқ текширмасдан, суд ҳукмини ўзгартириш қолдириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Шу сабабли судлов ҳайъатининг 2018 йил 10 февралдаги ажрими билан суд қарорлари ўзгартирилиб, Р.А.нинг айбидан Жиноят кодексининг 105-моддаси 1-қисми чиқарилган.

5. Агар биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган камчиликларни тўлдириш ва процессуал қонун бузилишларини бартараф этиш имконияти бўлса, апелляция инстанция суди тўлиқ ёки қисман суд тергови ўтказишга ва ҳукмга ўзгартириш киритишга ҳақли.

Жинойят ишлари бўйича Эллиққалъа туман судининг 2016 йил 11 февралдаги ҳукмига кўра, А.Р.га Жиноят кодексининг 111-моддаси 2-қисми билан энг кам ойлик иш ҳақининг 25 баравари миқдорида — 2 960 000 сўм жарима жазоси, К.Т.га эса, Жиноят кодексининг 111-моддаси 2-қисми билан энг кам ойлик иш ҳақининг 25 баравари миқдорида — 2 960 000 сўм жарима жазоси тайинланган.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди апелляция инстанциясининг 2016 йил 15 мартдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, К.Т. 2015 йил 13 август куни соат 17:30 да ўғли А.Р. билан Амударё тумани, Манғит шаҳри, Тўқувчи кўчаси, 36-уйда яшовчи Г.И.нинг уйига шу ердан ўтган газ қувурини кесиш учун борганида Г.И. уларга қаршилик кўрсатиб, қўллари билан ток ўтказиш симларини йиғиштираётганида А.Р. ва К.Т. унинг қўлидаги симларни тортиб олаётиб, К.Т. эҳтиётсизликдан Г.И.ни қўллари билан итариб юбориши натижасида у тошларнинг устига йиқилиб, ҳаёти учун хавfli бўлган оғир тан жароҳат олган.

Жиноят процессуал кодексининг 22-моддасида терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек, у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шартлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши белгилаб қўйилган.

Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги қарори 16-бандида айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир

этишда айбли эканлиги суд муҳокама-си давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмида жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд ишни кўришда қайд этилган Қонун талабларига ва Пленум тушунтиришларига амал қилмаган.

Иш бўйича Г.И.га айнан ким, қандай усулда тан жароҳати етказганлигига аниқлик киритилмаган. Ишдаги ҳужжатларда Г.И.ни А.Р. ва К.Т. биргаликда қўллари билан итариб юборганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас.

Шунингдек, бир-бирига қарама-қарши бўлган кўрсатмаларга аниқлик киритиш мақсадида ҳар бир тергов иштирокчисини сўроқ қилишда Г.И.га ким томонидан, қандай ҳаракатлар билан тан жароҳат етказилганлиги юзасидан саволлар берилмаган.

Судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш учун тергов ҳаракатлари ўтказилмаган.

Ишдаги ҳужжатларга қараганда, К.Т.-нинг ўнг елкасида енгил даражадаги тан жароҳати мавжуд бўлиб, унга бу жароҳатни ким ва қандай усулда етказганлигини аниқлаш чоралари кўрилмаган ва ишга алоқадорлигига ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Суд дастлабки тергов органи томонидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш чораларини кўрмасдан иш бўйича айблов ҳукми чиқариб, барвақт хулосага келган.

Бундан ташқари Жиноят процессуал кодексининг 463-моддаси 3-қисми 1-бандида маҳкум содир этган жинояти учун жазо тайинлашни истисно этадиган ам-

нистия акти эълон қилинган бўлса, суд жазо тайинламасдан айблов ҳукми чиқариши кўрсатилган.

Бироқ суд қонун ҳамда Олий Мажлис Сенатининг 2015 йил 3 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори қўлланиш тартиби ҳақидаги Низомнинг 10-бандига амал қилмасдан, К.Т.га амнистия актига асосан жазо тайинламасдан, айблов ҳукми чиқариш ўрнига, унга жазо тайинлаб, кейин жазодан озод қилган ҳолда амнистия актини қўллаб, хатога йўл қўйган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"ги қарори билан судларга, агар биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган камчиликларни тўлдириш ва процессуал қонун бузилишларини бартараф этиш имконияти бўлса, апелляция инстанция суди тўлиқ ёки қисман суд тергови ўтказишга ва ҳукмга

ўзгартириш киритишга ҳақли эканлиги, Жиноят процессуал кодексининг 482-моддасига мувофиқ апелляция инстанцияси суди шикоят (протест)да баён этилган вазорат билан чегараланмасдан, суд қарорининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини тўла ҳажмда (тафтиш тартибида) текширишга мажбурлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Апелляция инстанцияси суди ҳам қайд этилган қонун талаблари ҳамда Олий суд Пленуми тушунтиришларига риоя қилмасдан, биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрмаган ва ҳукмни ўзгаришсиз қолдириб, барвақт хулосага келган.

Шу сабабли судлов ҳайъатининг 2017 йил 21 майдаги ажрими билан Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди апелляция инстанциясининг А.Р. ва К.Т.га нисбатан чиқарган ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгитдан шу инстанция судида кўриш учун юборилган.

6. Апелляция инстанцияси суди шикоят (протест)да баён этилган вазорат билангина чегараланмасдан, суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини тўла ҳажмда (тафтиш тартибида) текширишга мажбур.

Жиноят ишлари бўйича Наманган туман судининг 2018 йил 7 февралдаги ҳукмига кўра, Т.Т. Жиноят кодексининг 105-моддаси 1-қисми билан ойлик иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди апелляция инстанциясининг 2018 йил 13 мартдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Т.Т. 2017 йил 6 май куни соат 15:30 ларда Наманган вилояти, Наманган тумани, Тўсар маҳалласида яшовчи жабрланувчи М.Ш. билан ўзаро гап тортишиб, М.Ш.нинг баданига дастлабки терговда аниқлаш имкони бўлмаган жисм билан уриб, унга суд-тиббиёт экспертизасининг 2017 йил 11 июлдаги хулосасига кўра, калла мия ёпиқ шикасти, мия чайқалиши, пешона, чап қовоқ, ўнг тирсак, чап кўкрак қафаси юмшоқ тўқималари лат ейиши, ўнг томонлама 8-9-

10-11-12-қовурғалар ёпиқ синиши кўринишида ўртача оғирликда тан жароҳати етказганликда айбдор деб топилган.

Жиноят кодексининг 9-моддасида шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавfli қилмишлари учунгина жавобгар бўлиши белгиланган.

Жиноят процессуал кодексининг 22-моддасида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олинishi лозимлиги;

82-моддасида шахсни айблаш ва ҳукм қилиш учун жиноят объекти, жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқ-

дори, содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш, жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги, жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишонич оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари исботланган бўлиши кераклиги белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги қарори 16-бандида Жиноят процессуал кодексининг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбдор эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишини иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги тушунтирилган.

Бироқ иш бўйича қайд этилган Қонун талаблари ва Пленум қарори тушунтириларига риоя этилмаган. Хусусан, суд Т.Т.ни М.Ш. билан ўзаро гап тортишиб, М.Ш.нинг баданига дастлабки терговда аниқлаш имкони бўлмаган жисм билан уриб, унга ўртача оғирликда тан жароҳатлари етказганликда айбдор деб топиш ҳақида барвақт хулосага келган.

Судда Т.Т. М.Ш.нинг уйи олдидан ўтиб кетаётган вақтда бақир-чақирни эшитгани, шу пайт Х.Ш. чиқиб турмуш ўртоғи М.Ш. маст ҳолатда тўполон қилаётганини айтгани учун М.Ш.ни тинчлантириш мақсадида хонадонга кирганда М.Ш. уни ҳар хил сўзлар билан ҳақорат қилгани, шу вақтда хонадонда Х.Ш. ҳам бўлгани, М.Ш. маст ҳолатда йиқилиб тушгани, профилактика инспектори боргунига қадар М.Ш.нинг оёқ-қўлларини боғлаб қўйишни айтгани учун М.Ш.нинг қўл ва оёқларини боғлаб қўйгани, М.Ш.ни уриб тан жароҳатлари етказмагани ҳақида кўрсатма берган.

Жабрланувчи М.Ш. судда яшаш хонадони олдида турмуш ўртоғи Х.Ш.нинг ама-

киси Т.Т. билан тортишиб қолгани, сўнг Т.Т. хонадонига кириб келиб бош қисмига "ключ" билан уриб юборгани, ерга йиқилганда Т.Т. танасининг турли жойларига оёқлари билан тепиб юборгани ҳақида кўрсатма берган.

Гувоҳ Х.Ш. судда турмуш ўртоғи М.Ш. спиртли ичимлик ичиб маст ҳолатда бақир-чақир қилгани, шунда профилактика инспекторига телефон қилганда, у ўзи етиб боргунига қадар М.Ш.нинг оёқ-қўлларини боғлаб қўйишни айтгани, хонадондан ташқарига чиққанда амакиси Т.Т.ни кўриб, М.Ш.нинг оёқ-қўлларини боғлаб қўйишда ёрдам беришни сўрагани, сўнг Т.Т. М.Ш.нинг оёқ қўлларини боғлаб қўйгани, Т.Т. М.Ш.ни урмагани, М.Ш. йиқилиб тушиб тан жароҳатлари олгани ҳақида кўрсатма берган.

Гувоҳ А.Ш. судда ўғли М.Ш.дан хабар олиш учун бориб, ундан нима бўлганини сўраганида М.Ш. йиқилиб тушганлигини айтгани ҳақида кўрсатма берган.

Гувоҳлар И.Т. ва Ш.Б.лар судда бақир-чақир овозини эшитиб, кўчага чиққан пайтда М.Ш. Т.Т.ни хонадонига олиб кириб кетганини кўргани, М.Ш. ўша куни спиртли ичимлик ичган ҳолатда бўлгани, Т.Т. М.Ш.нинг хонадонига кириб кетаётган пайтда қўлида ҳеч нарса бўлмагани, сўнг Т.Т. М.Ш.ни боғлаб чиққанини айтгани, М.Ш.дан тан жароҳатларини кўрмагани ҳақида алоҳида-алоҳида кўрсатмалар беришган.

Т.Т. суриштирув жараёнида воқеа содир бўлган куни М.Ш. маст ҳолатда бўлиб, шишалар солинадиган идишни тепиб ерга йиқилиб тушгани, шунда профилактика инспектори М.М.нинг тавсияси билан М.Ш.нинг қўлларини боғлаб қўйгани, оёқларини боғламоқчи бўлганда М.Ш. ўзини ва калласини ерга ургани ҳақида тушунтириш берган.

Н.Х. суриштирув жараёнида 2017 йил 7 май куни М.Ш.нинг уйига кирган пайтда унинг ҳовлининг орқасида кучли мастлик ҳолатида оёқ-қўллари боғланиб ётганини кўргани, М.Ш.дан нима бўлганини сўраганда у мастлик ҳолатида нима бўлганини билмаслиги ва эслолмаслиги ҳақида тушунтириш берган.

Суд ҳукмда Т.Т.нинг айбсизлиги ҳақидаги важдари нима учун ишончсиз деб то-

пилганлиги ва рад этилганлиги сабабларини асослантирмаган, ишдаги судланувчини оқлайдиган далилларга тегишли баҳо бермаган, гувоҳларнинг кўрсатмалари ва ишдаги мавжуд қарама-қаршиликларни бартараф этмаган.

Жиноят иши апелляция судлов ҳайъатида кўрилиши жараёнида Т.Т.нинг ҳимоячиси томонидан қонуний вакил А.Ш.нинг суддаги ўғли жабрланувчи М.Ш.ни кўргани бориб суҳбатлашганда у йиқилиб тушганини айтгани, Х.Ш.нинг воқеа содир бўлган кунда кўчага чиқиб, Т.Т., И.Т. ва Ш.Б.лардан ёрдам сўрагани, М.Ш. уни тепаман деб асфальтга йиқилиб тушгани ҳақидаги воқеани кўрган гувоҳлар ўша куни Т.Т.нинг қўлида ключ бўлмаганини тасдиқлашгани, Т.Т. Х.Ш.нинг илтимосидан сўнггина унинг хонадонига киргани ҳақидаги кўрсатмаларини ҳукмда кўрсатмагани, М.Ш. тан жароҳатларни ўзи ерга йиқилиб тушган ҳолда олган бўлиши мумкинлиги дастлабки тергов ва суд жараёнида текширилмагани, иш бўйича суд-тиббиёт экспертизаси ҳодиса содир бўлган вақтдан икки ойдан ошиқроқ вақт ўтиб ўтказилгани ҳақидаги келтирган важларини судлов ҳайъати атрофлича ва тўлиқ текшириш чораларини кўрмаган, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларидаги мавжуд қарама-қаршиликларни бартараф қилмаган, участка профилактика инспектори М.М. иш ҳолатлари юзасидан сўроқ қилинмаган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"ги қарори 15-бандида апелляция инстанцияси суди тўлиқ суд тергови ўтказиши, шу жумладан, бирин-

чи инстанция суди томонидан текширилмаган далилларни текшириб чиқиши ва уларга суд мажлисида аниқланган янги ҳолатлар натижасига кўра, ҳуқуқий баҳо бериши мумкинлиги;

19-бандида апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция суди томонидан ишнинг ҳақиқий ҳолатлари қанчалик тўғри аниқланганлигини, моддий ва процессуал қонун нормалари қанчалик тўғри қўлланилганлигини текшириши;

20-бандида Жиноят процессуал кодексининг 482-моддасига мувофиқ апелляция инстанцияси суди шикоят (протест) да баён этилган важлар билангина чегараланмасдан, суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини тўла ҳажмда (тафтиш тартибида) текширишга мажбурлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Апелляция инстанцияси суди қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилмасдан, иш материалларини етарли даражада текширмаган ва биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган камчиликларни тўлиқ ёки қисман суд тергови ўтказиш йўли билан бартараф этиш чораларини кўрмадан, судланувчи ва унинг ҳимоячиси томонидан берилган шикоятда келтирилган важларига ҳуқуқий баҳо бермасдан суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Шу сабабли судлов ҳайъатининг 2018 йил 10 майдаги ажрими билан иш бўйича чиқарилган жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди апелляция инстанциясининг 2018 йил 13 мартдаги ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилган.

7. Қўлланилган эҳтиёт чораси туридан қатъи назар, маҳкумнинг апелляция инстанцияси суди мажлисида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши жиноят-процессуал қонунининг жиддий бузилиши деб баҳоланади ва суд ажримининг бекор бўлишига сабаб бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Асака туман судининг 2018 йил 2 апрелдаги ҳукмига кўра, Д.М. Жиноят кодексининг 109-моддаси 1-қисми, Жиноят кодексининг 140-моддаси 1-қисми билан Жиноят кодексининг 45, 59-моддалари тартибида 1

йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 12 баравари миқдоридан — 1.797.300 сўм жарима жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 23 мартдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд ҳукмига кўра, Д.М. жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон туман судининг 2017 йил 26 январдаги қарорига кўра, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 41-моддаси, 52-моддаси 2-қисми билан 33, 34-моддалари тартибида энг кам ойлик иш ҳақининг бешдан бир қисми миқдорида — 29.955 сўм маъмурий жарима жазоси тайинланганидан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан, 2017 йил 2 февраль куни соат 09:30 ларда жабрланувчи С.К.нинг яшаш хонадонига кириб, С.К. ва унинг турмуш ўртоғи Д.К. билан ўзаро жанжаллашиб, жанжал вақтида С.К. ва Д.К.ларни уятли сўзлар билан ҳақорат қилиб, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситган.

Бундан ташқари Д.М. жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон туман судининг 2017 йил 26 январдаги қарорига кўра, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 41-моддаси, 52-моддаси 2-қисми билан 33, 34-моддалари тартибида энг кам ойлик иш ҳақининг бешдан бир қисми миқдорида — 29.955 сўм маъмурий жарима жазоси тайинланганидан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан, 2017 йил 16 май куни соат 19.00 ларда жабрланувчи М.У.нинг яшаш хонадонига бориб, М.У. унинг қизи Д.Ф.лар билан ўзаро жанжаллашиб, жанжал вақтида М.У. ва Д.Ф.ларни уятли сўзлар билан ҳақорат қилиб, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситиб, шу вақтнинг ўзида ердан тош олиб, М.У.нинг юз қисмига тош билан уриб, ўз хусусиятига кўра, соғлиғини бузилишига олиб келмаган энгил тан жароҳати етказган.

Жиноят процессуал кодексининг 497¹¹-моддаси 1-қисмида апелляция инстанциясида иш юритиш биринчи инстанция судидаги иш юритиш қоидалари бўйича ўтказилиши;

9-қисмида тарафлар янги гувоҳларни чақириш, экспертиза ўтказиш, уларга биринчи инстанция суди томонидан текшириб кўриш рад этилган ашёвий далиллар ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш тўғрисида илтимос қилишга ҳақли эканлиги,

арз қилинган илтимосларни ҳал этиш ушбу кодекснинг 438-моддаси қоидалари асосида амалга оширилиши, бунда апелляция инстанцияси суди илтимос биринчи инстанция судида қаноатлантирилмаган деган асосда илтимосни қаноатлантиришни рад этишга ҳақли эмаслиги;

Суд қарорлари чиқарилган пайтда амалда бўлган Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"ги қарори 11-бандида қўлланилган эҳтиёт чораси туридан қатъи назар, маҳкумнинг апелляция инстанцияси суди мажлисида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши жиноят-процессуал қонунининг жиддий бузилиши деб баҳоланиши ва суд ажримининг бекор бўлишига сабаб бўлиши кўрсатилган.

Бироқ иш бўйича ушбу қонун талаблари ҳамда Олий суд Пленуми қарорлари тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Иш ҳужжатларига қараганда, Д.М. томонидан апелляция инстанцияси судига 2018 йил 11 июнь куни аризалар тақдим этилиб, унда жабрланувчи М.У.нинг судда иштирокини таъминлашни ва ишни кўришни бошқа кунга қолдириш ҳақидаги аризалари ишга қўшилган бўлса-да, унинг мазкур аризалари Жиноят процессуал кодексининг 438-моддаси тартибида ҳал этилмаган, жабрланувчи М.У.нинг судда иштирокини таъминлаш ёки унинг иштирокисиз ҳам ишни мазмунан ҳал этиш имконияти мавжуд-мавжуд эмаслиги ҳақида Д.М.га маълум қилинмаган.

Д.М. 2018 йил 12 июнь куни суд мажлисига келмагани сабабли ишни кўриш 2018 йил 26 июнга қолдирилган бўлиб, шу куни Д.М. томонидан жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди девонхонасидан 954-рақам билан рўйхатга олинган ариза тақдим этилиб, унда маърузачи судья А.М.га нисбатан ишончсизлик билдиргани ва яна жабрланувчи М.У.нинг иштироки талаб қилинган бўлса-да, 2018 йил 26 июнь куни апелляция инстанцияси Д.М. келмаганлигини асос қилиб, унинг иштирокисиз суд мажлисини ўтказиш ҳақида ажрим чиқариб, иш мазмунан кўриб чиқилган.

Апелляция инстанцияси Д.М.нинг маъ-

рузачи судья иштирокидаги ҳайъат томонидан иш холисона кўриб чиқилишига ишонмаслиги ҳақидаги аризасини Жиноят процессуал кодексининг 76,80-моддалари тартибида ҳал этмаган, шу билан биргаликда, жабрланувчи М.У.нинг иштирокини таъминлаш ҳақидаги Д.М.нинг талаби бўйича бирон-бир процессуал ҳаракат олиб борилиб, натижаси ҳақида унга хабар қилинмаган.

Айни вақтда, Д.М. жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судига бир неча марта, шу жумладан, иш кўриб яқунланган 2018 йил 26 июнь куни ҳам ишни қолдириш ҳақида ариза билан мурожаат

қилган бир вазиятда апелляция инстанцияси унинг аризаларини тарафлар иштирокида муҳокама қилмасдан, унинг аризасини қаноатлантириш мақсадга мувофиқ эмаслигини ўз ажрими билан асослантормаган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 4 октябрдаги ажрими билан Д.М.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди апелляция инстанциясининг 2018 йил 26 июндаги ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанциясида кўриш учун юборилган.

8. Оилада, уйда (хонадонда) қариндош-уруғ, таниш-билишларга нисбатан содир этилган ҳақоратлаш, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш каби ҳаракатлар, агар улар шахсий келишмовчилик натижасида келиб чиққан бўлса ёхуд жабрланувчининг ножоиз хатти-ҳаракатлари оқибатида содир этилган бўлса, шахсга қарши жиноят деб баҳоланиши ва Жиноят кодексининг Махсус қисми тегишли моддалари билан квалификация қилиниши лозим.

Жиноят ишлари бўйича Пахтакор туман судининг 2018 йил 7 майдаги ҳукмига кўра, К.С. Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми "г" банди билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят суди апелляция инстанциясининг 2018 йил 26 июндаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, С.К. жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан 2017 йил 6 июнь куни соат 20:30 ларда Фориш тумани Деҳқон бозори ҳудудида жойлашган Ў.Қ.га тегишли новвойхона биноси олдига келиб, ҳеч бир сабабсиз жамиятда умумэтироф этилган ахлоқ қоидаларига рўй-рост ҳурматсизлик қилиб, новвойхона эшик ва деразалари ойналарини синдираётганида келиб қолган Ў.Қ.нинг онаси Д.Х.га "ўғлингни топиб бер" деб, унинг бошини деворга уриб, юз қисми ва елкасига тан жароҳати етказётганида, уларни ажратиш учун келган Д.Н.га фаол қаршилик кўрсатиб, ўзининг фуқаролик бурчини бажариб, безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрганида, унга аралашмаслигини айтиб, воқеа жойидан

қувиб юбориб, Д.Х.га соғлиғининг бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати етказган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, С.К.нинг Д.Х.ни уриб, соғлиғини қисқа муддатга ёмонлашувига олиб келган енгил шикаст етказганликда ифодаланган жиноятни содир этганликдаги айби исботлангани ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, бироқ унинг ҳаракатларини безорилик деб квалификация қилиб, хатога йўл қўйган.

Олий суд Пленумининг 2002 йил 14 июндаги "Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида"ги қарори 10-бандида безорилик ҳаракатлари давомида айбдор жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга фаол қаршилик кўрсатса, шу жумладан, уларга нисбатан ўртача оғир шикаст етказиш даражасида зўрлик ишлатса, бундай қилмиш Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми "г" банди билан тўлиқ қамраб олиниши ва Жиноят кодексининг бошқа моддалари билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмаслиги, маъмурий жа-

вобгарликка сабаб бўладиган майда безорилик давомида жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳоқимият ёки жамоатчилик вакилига ёхуд бундай ҳаракатларни тўхтатиш чорасини кўрган фуқарога нисбатан қаршилик кўрсатилса, бундай қилмиш Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми "г" банди билан квалификация қилиниши мумкин эмаслиги, бу ҳолда айбдорнинг ҳаракатлари, кўрсатилган қаршиликнинг хусусиятига қараб, Жиноят кодексининг Махсус қисми тегишли моддалари билан квалификация қилиниши;

13-бандида айбдор қасдининг моҳияти ва у нимага қаратилганлигидан, содир этилган ҳаракатнинг мотиви, мақсади ва муайян ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда безориликни бошқа жиноятлардан фарқлай олиш кераклиги, жумладан, оилада, уйда (хонадонда) қариндош-уруғ, таниш-билишларга нисбатан содир этилган ҳақоратлаш, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш каби ҳаракатлар, агар улар шахсий келишмовчилик натижасида келиб чиққан бўлса ёхуд жабрланувчининг ножоиз хатти-ҳаракатлари оқибатида содир этилган бўлса, шахсга қарши жиноят деб баҳоланиши ва Жиноят кодексининг Махсус қисми тегишли моддалари билан квалификация қилиниши лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Бироқ суд қайд этилган қонун талаби ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилмасдан, С.К.нинг иккита оила ўртасида аввалдан мавжуд бўлган низо туфайли жабрланувчи Д.Х. билан жанжаллашиб, уни уриб, енгил шикаст етказганида, унинг бу ҳаракатларининг ол-

дини олиш чорасини кўрган Д.Н.ни бу ишга аралашмаслигини айтиб, воқеа жойидан қувиб юборганлигини "безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга фаол қаршилик кўрсатиб содир этилган безорилик" деб баҳолаб, Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми "г" банди билан квалификация қилиб, хатога йўл қўйган.

Ишда аниқланган ҳолатларга кўра, С.К.нинг Д.Х.ни уриб енгил шикаст етказишига жабрланувчининг ўғли Ў.Қ. томонидан унинг акасининг қизини ота-онасининг розилигисиз хотин қилиб олганлиги туфайли иккала оила ўртасида юзага келган кучли низо ва нафрат сабаб бўлиб, унинг қасди жамоат тартибини бузишга эмас, балки Ў.Қ.нинг ҳаракатлари туфайли ундан ва унинг оила аъзоларидан ўч олишга қаратилганлиги кўринади.

Шунингдек, С.К.нинг Д.Х.ни ўзаро оилавий низо туфайли уриб, енгил шикаст етказиш ҳаракатларини тўхтатишга ҳаракат қилиб, фуқаролик бурчини бажарган Д.Н.ни бу ишга аралашмаслигини айтиб, воқеа жойидан қувиб юборгани ҳеч кимнинг баданига шикаст ёки анча миқдорда зарар етказмагани боис жиноят таркибини вужудга келтирмайди.

Апелляция инстанцияси ҳам ўз ваколатлари доирасида ишдаги бу ҳолатларни тўлиқ текширмасдан эътиборсиз қолдириб, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдирган.

Шу сабабли судлов ҳайъати С.К.га оид суд қарорларини ўзгартириб, унинг ҳаракатини Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми "г" бандидан 109-моддасининг 2-қисмига қайта квалификация қилиб, шу модда билан 1 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ
Қ А Р О Р И

2019 йил 25 июль

№ РС-49-19

Тошкент шаҳри

**Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан
2019 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида
кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида**

Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорини муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ Олий суд Раёсати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Куч — адолатда" газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суд Матбуот хизмати, Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) ушбу суд амалиёти обзорини Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси, "Одил судлов" — "Правосудие" журнали ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари — фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси Х.Ёдгоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси**

К. КАМИЛОВ

1. Масъулияти чекланган жамияти иштирокчиларининг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли жамиятнинг банкротлиги вужудга келмаган бўлса ёки жамиятнинг мажбурияти бўйича улар зиммасига субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин эмас.

Даъвогар Беруний туман давлат солиқ инспекцияси жавобгарлар Умирбек Нурметов ва Исломбек Нафасовга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда "INVEST" масъулияти чекланган жамиятининг 7 247 652 сўмлик солиқ қарзини жавобгарлардан субсидиар тартибда ундиришни сўраган.

Туманлараро судининг 2016 йил 5 июлдаги сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантирилган.

Иш апелляция ёки кассация инстанциясида кўрилмаган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 19 июндаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, суд қарори бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, жавобгарлар У.Нурметов ва И.Нафасов томонидан 2010 йил 6 майда "INVEST" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилган бўлиб, У.Нурметовнинг жамият устав фондидagi улуши 60 фоизни, И.Нафасовнинг улуши 40 фоизни ташкил этган.

С. вилоят хўжалик судининг 2011 йил 22 ноябрдаги ижро ҳужжатида асосан, қарздор "INVEST" масъулияти чекланган жамиятидан ундирувчи Беруний туман давлат солиқ инспекцияси фойдасига 7 247 652 сўм ундирилиши белгиланган.

Ушбу ижро ҳужжатлари ижро этиш учун суд ижрочиларининг Беруний туман бўлимига юборилган.

Қарздор жамиятнинг ижрога қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки бўлмаганлиги сабабли суд ижрочисининг 2014 йил 29 сентябрдаги қарорига асосан ижро ҳужжатлари ижросиз ундирувчи Беруний туман давлат солиқ инспекциясига қайтарилган.

С. вилоят хўжалик судининг 2015 йил 25 майдаги ҳал қилув қарорига асосан "INVEST" масъулияти чекланган жамияти банкрот деб топилган ҳамда жамият давлат реестридан чиқарилган, шу сабабли даъвогар ушбу қарздорликни "INVEST" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларидан субсидиар тартибда ундиришни сўраб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Фуқаролик кодексининг 48-моддаси тўртинчи қисмига кўра, агар юридик шахснинг ночорлиги (банкротлиги) шу юридик шахс учун мажбурий кўрсатмаларни бериш ҳуқуқига эга бўлган муассис (иштирокчи) сифатидаги шахснинг ёки юридик шахс мол-мулки мулкдорининг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келтирилган бўлса, юридик шахснинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, бундай шахс зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин.

Шунингдек, "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддасига кўра, масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Бироқ биринчи инстанция суди солиқни тўлаш жамиятнинг мажбурияти ҳисобланишини ҳамда жамиятнинг иштирокчилари томонидан содир этилган ғайриқонуний ҳаракатлар туфайли жамиятнинг банкротлиги вужудга келганлигини даъвогар судда исботлаб бера олмаганлигини эътиборга олмасдан даъвогарнинг даъвосини қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келган.

6-1079-19- сонли иш

2. Жавобгарнинг хатти-ҳаракатлари оқибатида даъвогарга зарар етказилганлиги судда ўз тасдиғини топмаган бўлса ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган қурилишлар бўйича сарф қилинган харажатларни даъвогардан ундириш мумкин эмас.

Даъвогар Мурод Сабилов жавобгар Замира Машариповага нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда иморат қуриш учун сарфланган 67 451 000 сўмни жавобгардан ундиришни сўраган.

Суднинг ажримига кўра, Замира Машарипованинг фарзандлари Венера Машарипова ва Сапармурат Машарипов фуқаролик иши бўйича жавобгар тариқасида ишга жалб қилинган.

Туманлараро судининг 2018 йил 25 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби қисман қаноатлантирилиб, даъвогар Мурод Сабиловнинг фойдасига жавобгарлар З.Машарипова, В.Машарипова ва С.Машариповдан солидар тартибда 24 291 999 сўм ундирилиши белгиланган.

Апелляция инстанциясининг 2018 йил 20 ноябрдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 17 апрелдаги ажрими билан куйидаги асосларга кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, Қўнғирот тумани, "Қўнғирот" ОФЙ ҳудудида жойлашган қурилиши тугалланмаган, умумий ер майдони 662,5 кв.метрдан иборат бўлган 5 хонали бино "Навбахар" хусусий корхонасига тегишли бўлган.

2012 йил 13 августда "Навбахар" хусусий корхонаси раҳбари Ю.Машарипов вафот этган.

2013 йил 26 июндаги қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага асосан Ю.Машариповдан қолган корхонага тегишли бўлган иморатга унинг турмуш ўртоғи З.Машарипова ва фарзандлари В.Машарипова билан С.Машарипов меросхўр эканлиги тасдиқланган.

Шундан сўнг даъвогар Мурод Сабилов судга даъво ариза билан мурожаат

қилиб, 2004 йили Ю.Машарипов билан келишиб, қурилиши тугалланмаган бинонинг ўрнида 8 та хонали иморат қурганлигини, унга 67 451 000 сўм сарфлаганлигини билдириб, ушбу харажатларини жавобгардан ундириб беришни сўраган.

Иш судда кўрилишида низоли 8 та хонадан иборат иморатнинг 5 та хонасига эгалик ҳуқуқи белгиланганлиги, 2017 йил 24 декабрдаги олди-сотди шартномасига асосан иморатнинг бу қисми Р.Абдурамановга сотилганлиги, бундан ташқари яна 3 та хона иморатга қўшиб қурилганлиги ва ундан Мурод Сабилов ҳам фойдаланиб келганлиги аниқланган.

Суд қурилиш-техник экспертизасининг 2018 йил 12 октябрдаги хулосасида низоли иморатнинг бозор баҳоси 72.938.138 сўмни, иморатнинг кадастр ҳужжатларида кўрсатилмаган 3 та хонасининг бозор баҳоси 23 815 686 сўмни ташкил қилиши қайд этилган.

Биринчи инстанция суди даъвогар Мурод Сабилов фақат кадастр ҳужжатларида кўрсатилмаган иморатнинг 3 та хонаси даъвогар томонидан қурилганлиги ўз исботини топганлигини инобатга олиб, Фуқаролик кодексининг 14-моддасига асосланиб, жавобгарлардан даъвогар фойдасига мазкур иморатнинг бозор қийматини ундириб беришни лозим топган.

Апелляция инстанцияси ҳам суднинг ушбу хулосалари билан келишиб, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисидаги ажримига асос сифатида Фуқаролик кодексининг 212-моддаси бешинчи қисми ва 829-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларини келтириб ўтган.

Лекин судлов ҳайъати қуйи инстанция судлари томонидан тарафлар ўрталаридаги низо юзасидан қайд этилган қонун нормалари нотўғри қўлланилган деб ҳисоблади.

Чунки даъвогар Мурод Сабиловга жавобгар З.Машарипова ва унинг фарзанд-

ларининг хатти-ҳаракатлари оқибатида зарар етказилганлиги судда ўз тасдиғини топмаган, зарарнинг келиб чиқишида жавобгарларнинг айби исботланмаган. Бундай ҳолатда эса, Фуқаролик кодексининг 985-моддаси талабларига биноан, жавобгарларнинг даъвогарга зарарни қоплаш мажбуриятлари вужудга келмаган ҳисобланади ва тарафлар ўрталаридаги муносабатларга нисбатан Фуқаролик кодексининг 14-моддасини қўллаб бўлмайди.

Шунингдек, даъвонинг мазмуни ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш билан боғлиқ эмаслиги туфайли Фуқаролик ко-

дексининг 212-моддаси бешинчи қисмида назарда тутилган қоидалар мазкур низо тарафлари ўртасидаги муносабатларга алоқаси йўқдир.

Шу билан бирга, Фуқаролик кодексининг 829-моддасида назарда тутилган қоидалар ҳам тарафлар ўрталаридаги муносабатларга тадбиқ қилинмайди. Сабоби, даъвогар Мурод Сабировнинг топшириқсиз қилинган ҳаракатларидан жавобгарлар манфаатдор бўлганлиги, даъвогарнинг низоли иморатга қўшиб яна 3 та хона қуришига жавобгарларнинг рухсат берганлиги судда ўз исботини топмаган.

6-1070-19-сонли иш

3. Амалдаги Фуқаролик кодекси кучга киргунга қадар меросхўрлардан бири мерос мулкни қабул қилган ва унга тегишли гувоҳнома берилиши натижасида бошқа меросхўр ўзининг ҳуқуқлари бузилганлигини билдириб, ҳозирги кунга келиб тегишли гувоҳномани ҳақиқий деб топиш ҳақида судга даъво аризаси киритса, амалдаги Фуқаролик кодексининг талаблари асосида низо ҳал қилиниши мумкин эмас.

Даъвогар Дилбар Собирова жавобгарлар Навоий шаҳар 1-сонли давлат нотариал идораси ва Баҳора Нурматовога нисбатан судга даъво аризаси билан муурожаат қилиб, унда давлат нотариал идораси томонидан 1992 йил 10 апрелда Б.Нурматова номига берилган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Туманлараро судининг 2018 йил 15 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантирилган.

Кассация инстанциясининг 2019 йил 17 январдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 17 апрелдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарори бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, даъвогар Дилбар Собированинг ота-онаси Собир Собиров ва Баҳора Нурматова 1957 йил 19 июнда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурган. Биргаликдаги турмушларидан Дилбар, Тамара, Парахат исмли уч нафар фар-

занди туғилган.

Даъвогарнинг укаси П.Собиров 1983 йилда, синглиси Т.Собирова 1984 йилда, отаси С.Собирова 1990 йилда вафот этган.

1971 йил 15 октябрдаги Навоий шаҳар ижроия қўмитасининг 351-сонли қарори билан Навоий шаҳри, А.Пушкин (ҳозирги А.Навоий) кўчаси, 10-ўйнинг ер участкаси С.Собировга ажратиб берилган.

С.Собировнинг вафотидан сўнг унинг мол-мулкларига мерос очилиб, 1992 йил 10 апрелда Навоий шаҳар 1-сонли давлат нотариал идораси томонидан мазкур турар жойга нисбатан Б.Нурматованинг ворислик ҳуқуқини тасдиқловчи қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилган.

Даъвогар Д.Собирова отаси С.Собировдан қолган мол-мулкка мерос очилиб гувоҳнома расмийлаштирилган пайтда меросдан воз кечиш тўғрисидаги ариза бермаганлигини асос қилиб, онасининг номига берилган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида судга даъво ариза киритган.

Судлар амалдаги Фуқаролик кодекси-

нинг 1135-моддасига асосланиб, мерос гувоҳномаси расмийлаштирилган пайтда ҳақиқатан мерос қолдирувчининг фарзанди Д.Собированинг меросдан воз кечиш тўғрисидаги аризаси мавжуд эмаслигини инобатга олиб, даъвони қаноатлантиришган.

Олий суд Пленумининг "Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида" 2011 йил 20 июлдаги қарори 2-бандига кўра, Олий Мажлиснинг 1996 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида"ги 257-1-сонли қарорига мувофиқ, Фуқаролик кодекси 1112-1157-моддалари қоидалари Кодекс амалга киритилгунга қадар очилган бўлиб, бироқ 1997 йилнинг 1 мартига қадар ворислардан ҳеч бири томонидан қабул қилиб олинмаган ва мерос ҳуқуқи бўйича давлат ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ўтказилмаган меросга нисбатан ҳам татбиқ этилади. Мерос 1997 йилнинг 1 мартига қадар ворислардан бири томонидан қабул қилиб олинган ёки давлатнинг ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ўтказилган ҳолларда келиб чиққан низолар 1963 йилги Фуқаролик кодекси нормаларига мувофиқ ҳал этилади.

1997 йил 1 мартгача амалда бўлган Ўзбекистон ССР Фуқаролик кодекси 598-моддасига кўра, меросни олиш учун ворис уни қабул қилиши лозим. Қабул қилинган мерос, мерос очилган

кундан эътиборан ворисга тегишли ҳисобланади. Ушбу Кодекснинг 610 ва 611-моддаларига кўра, ворислар мерос очилган жойдаги давлат нотариал кнторадан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилишини сўрашлари мумкин. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома қонун ва васият бўйича ворисларга мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтгандан сўнг берилди.

Ваҳоланки, марҳум С.Собировнинг мол-мулкига 1990 йил мерос очилган бўлиб, уни турмуш ўртоғи Б.Нурматова қабул қилиб олган ва унга бу тўғрисида 1992 йили 10 апрелда меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилган.

Даъвогар Д.Собирова эса, отасининг вафотидан кейин ўзининг мерос улушини талаб қилиб нотариал идорага меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома беришни сўраб мурожаат қилмасдан, яъни 2018 йил 7 июндагина мурожаат қилган.

Юқорида қайд этилган Ўзбекистон ССР Фуқаролик кодексининг 88-моддасида даъво муддати, тарафларнинг аризаларидан қатъи назар, суд, арбитраж ёки ҳакамлар суди томонидан қўлланилиши белгилаб қўйилган.

Аммо биринчи ва кассация инстанция суди мазкур қонун талабларини ва иш ҳолатларини инобатга олмасдан, моддий ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаб, даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келган.

6-494-19-сонли иш

4. Меросхўр ўзининг ворисликка чақирилганини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб олти ой ичида меросдан воз кечишга ҳақли, узрли сабаблар бўлган тақдирда, бу муддат суд томонидан кўпи билан икки ойга узайтирилиши мумкин.

Ушбу муддатлар ўтганидан кейин мерос мулкдан воз кечиш мумкин эмас.

Шунингдек, мерос қолдирувчининг охирги доимий яшаб турган жойи мероснинг очилиш жойи ҳисобланади.

Меросдан воз кечиш меросхўр томонидан мерос очилган жойдаги нотариусга ариза бериш орқали амалга оширилади, мазкур талабларга риоя қилмаслик меросдан воз кечишни суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топишга асос бўлади.

Даъвогар Анвар Машарипов жавобгарлар Акбар Машарипов, Хоразм ви-

лояти, Хива тумани, 1-сонли давлат нотариал идораси ҳамда Тошкент шаҳар,

Чилонзор тумани, 2-сонли давлат нотариал идорасига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда Хоразм вилояти, Хива тумани, 1-сонли давлат нотариал идорасида 2015 йил 18 сентябрда қайд этилган меросдан воз кечиш ҳақидаги аризани ҳамда Хива тумани, 2-сонли давлат нотариал идораси томонидан 2018 йил 10 августда берилган меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома ни ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Туманлараро судининг 2019 йил 19 январдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъвоси қаноатлантирилган.

Апелляция инстанциясининг 2019 йил 5 мартдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 18 апрелдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, фуқаролар Марат Машарипов ва Бибинур Сафоева 1947 йилда қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қурганлар, биргаликдаги турмушларидан Лола, Акбар ва Анвар исмли фарзандлари туғилган бўлиб, Бибинур Сафоева 1996 йил 16 августда вафот этган.

Марат Машарипов эса, 2002 йил 22 январда Тошкент шаҳрида вафот этган.

Низоли Хоразм вилояти, Хива тумани, Тонг кўчаси, 19-уй Марат Машариповга тегишли бўлган.

Шунингдек, Хива шаҳар, Бахмал кўчаси, 194-уй эса, 1983 йил 13 декабрдаги қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага асосан Марат Машариповга тегишли бўлган.

Даъвогар Анвар Машарипов низоли Хоразм вилояти, Хива тумани, Тонг кўчаси, 19-уйда вояга етиб, шу уйда оила аъзолари билан узлуксиз равишда яшаб келган, жавобгар Акбар Ма-

шарипов эса, 1980 йилдан буён оила аъзолари билан бирга Хива шаҳар, Бахмал кўчаси, 194-уйда яшаб келган.

Хива тумани 2-сонли давлат нотариал идораси томонидан 2018 йил 10 августда жавобгар Акбар Машариповга берилган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага асосан, Хоразм вилояти, Хива тумани, Тонг кўчаси, 19-уйга нисбатан мулк ҳуқуқи берилган.

Мазкур гувоҳномани беришга меросхўрлар Анвар Машарипов ва Лола Машарипованинг меросдан воз кечиш ҳақидаги нотариал тасдиқланган аризалари асос қилиб олинган.

Даъвогар Анвар Машарипов ўзининг даъво аризаси ва судда берган тунтиришларида, акаси Акбар Машарипов унга ҳар ким ўзи яшаб келаётган уйни, яъни акаси Хива шаҳар, Бахмал кўчаси, 194-уйни; у эса, Хива тумани, Тонг кўчаси, 19-уйни мерос қилиб олишини, шу сабабли унга Хива шаҳар, Бахмал кўчаси, 194-уйдаги мерос улушидан воз кечиши лозимлигини айтиб, нотариусга олиб борганлигини, нотариал идорада ҳам у Хива шаҳар, Бахмал кўчаси, 194-уйдан воз кечишини айтганлигини, ўзи яшаб келаётган Хива тумани, Тонг кўчаси, 19-уйдан воз кечишини айтмаганлигини, бунинг иложи йўқлигини, чунки унинг бошқа борадиган ва яшайдиган жойи йўқлигини, меросдан воз кечиш ҳақидаги аризада бошқа мерос мулклардан ҳам воз кечиши кўрсатилиб, у алданганлигини маълум қилиб, меросдан воз кечиш ҳақидаги аризани ҳамда меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги "Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида"ги қарори 19-бандига кўра, васият ва қонун бўйича ворисликда меросхўр мерос очилган жойдаги нотариусга ариза бериш йўли билан меросдан воз кечишга ҳақли. Қонунда мерос очилгандан кейин бундай ариза билан мурожаат қилиш мумкин бўлган вақт чегараланмаган.

Мероснинг бир қисмидан воз кечилишига, меросдан изоҳотлар ёки шарт билан воз кечилишига йўл қўйилмайди, Фуқаролик кодексининг 1148-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Апелляция инстанцияси мазкур Пленум қарори талабларини қўллаган ҳолда асоссиз равишда қонуний, асосли ва адолатли равишда қабул қилинган биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвогарнинг даъвосини рад қилган.

Фуқаролик кодексининг 1147-моддасига кўра, меросхўр мерос очилган кундан эътиборан исталган вақтда меросдан воз кечишга ҳақли.

Меросдан воз кечиш меросхўр томонидан мерос очилган жойдаги нотариусга ариза бериш орқали амалга оширилади.

Мазкур кодекснинг 1117-моддасига кўра, мерос қолдирувчининг охириги доимий яшаб турган жойи мероснинг очилиш жойи ҳисобланади. Агар мерос қолдирувчининг охириги яшаб турган жойи номаълум бўлса, мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулк бўлмаган тақдирда эса, кўчар мулкнинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой деб ҳисобланади.

Ушбу қонун талабларидан кўринадик, даъвогар Анвар Машариповнинг меросдан воз кечиши мерос очилган жой, яъни мархум отаси Марат Машариповнинг охириги доимий яшаб турган жойдаги нотариусга ариза бериш орқали амалга оширилиши лозим бўлган.

Фуқаролик иши ҳужжатлари ва тарафларнинг судда берган тушунтиришларидан кўринишича, мархум Марат Машарипов вафотига қадар доимий равишда Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Мирҳосилбой кўчаси, 9-уйда яшаб келган.

Бундай ҳолларда юқорида қайд этилган қонун талабига асосан, даъвогар Анвар Машариповнинг меросдан воз кечиши Тошкент шаҳар, М.Улуғбек туманида жойлашган нотариал идораси

орқали расмийлаштирилиши лозим бўлса-да, даъвогарнинг меросдан воз кечиши Хоразм вилояти, Хива тумани 1-сонли давлат нотариал идорасида расмийлаштирилган ва даъвогар ўзининг меросдан воз кечиш ҳақидаги аризасини айнан шу нотариал идорага йўллаган.

Фуқаролик кодексининг 4-моддасига кўра, фуқаролик қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин вужудга келган муносабатларга нисбатан қўлланилади.

Қонун у амалга киритилгунга қадар вужудга келган муносабатларга қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардагина татбиқ этилади.

Фуқаролик қонун ҳужжати амалга киритилгунга қадар вужудга келган муносабатлар бўйича бу қонун ҳужжати у амалга киритилганидан кейин вужудга келган ҳуқуқ ва бурчларга нисбатан қўлланилади.

Агар шартнома тузилганидан кейин тарафлар учун мажбурий бўлган, шартнома тузилаётган пайтдагидан бошқача қоидаларни белгилайдиган қонун қабул қилинган бўлса, тузилган шартноманинг шартлари ўз кучини сақлаб қолади, қонуннинг аввал тузилган шартномалардан келиб чиққан муносабатларга татбиқ этилиши кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Юқорида қайд этилганидек, мерос қолдирувчи Марат Машарипов 2002 йил 22 январда вафот этган.

Фуқаролик кодексининг 1147-моддаси биринчи қисмига Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-255-сонли қонуни билан ўзгартириш киритилган бўлиб, шунга-ча амалда бўлган Фуқаролик кодексининг 1147-моддаси биринчи қисмида меросхўр ўзининг ворисликка чақирилганини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб олти ой ичида меросдан воз кечишга ҳақли эканлиги, узрли сабаблар бўлган тақдирда, бу муддат суд томонидан кўпи билан икки ойга узайтирилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Ушбу қонун талаби бўйича даъвогар

Анвар Машарипов отаси вафот этганидан сўнг кўпи билан 8 ой ичида меросдан воз кечишга ҳақли бўлган.

Шундай бўлишига қарамасдан, юқорида қайд этилган қонун талабларига зид равишда Хива туман 1-сонли давлат нотариал идораси томонидан меросдан воз кечиш ҳақидаги ариза ҳамда Хива туман 2-сонли давлат нотариал идораси томонидан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома расмийлаштирилган.

Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги "Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида"ги қарори 19-банди учинчи хатбошисига кўра, меросдан воз кечиш тўғрисида ариза берган меросхўр кейинчалик уни бекор қилиши ёки қайтариб олиши мумкин эмас. Бундай воз кечиш фақат суднинг ҳал қилув қарори билан ва қонунда битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш учун белгиланган асосларга кўра, ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин (Фуқаро-

лик кодексининг 113-128-моддалари).

Фуқаролик кодексининг 116-моддасига кўра, қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир.

Мазкур кодекснинг 12-моддаси биринчи қисмига кўра, давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқароларнинг ёки юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузadиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкинлиги белгиланган, бироқ апелляция инстанцияси мазкур ҳолатларни эътиборга олмасдан асоссиз равишда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

6-691-19-сонли иш

5. Агар жавобгарнинг низоли уй-жойдан олти ой муддатдан ортиқ давомида яшамасдан келганлиги исботланмаса, уни уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб топиш мумкин эмас.

Даъвогар Анора Салимова судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда жавобгар Камила Саидовани Янгиариқ тумани, Турон кўчаси, 2-уй, 9-хонадондан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топишни сўраган.

Туманлараро судининг 2018 йил 9 июлдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогарнинг даъвоси қаноатлантирилган.

Кассация инстанциясининг 2018 йил 16 октябрдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 17 апрелдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, 1993 йил 3 майдаги уй-жойга эгалик қилиш ҳақидаги давлат ордерига биноан Янгиариқ тумани, Турон кўчаси, 2-уй, 9-хонадон даъвогар Анора

Салимовага тегишли бўлган.

Фуқаролик кодексининг 164-моддасига кўра, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзини мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир.

Уй-жой кодексининг 52-моддаси биринчи қисмига кўра, муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ёки ижарага олувчи билан доимий яшаётган фуқаролар вақтинча бўлмаганида турар жой олти ой муддат давомида уларнинг ҳисобида сақланиб туради ҳамда ушбу кодекснинг 54-моддасига кўра, фуқароларни белгиланган муддатдан ортиқ бўлмаганлари оқибатида муниципал, идоравий уй-жой

фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйлардаги турар жойда яшаб қолган бошқа доимий фойдаланувчиларнинг даъво аризасига биноан суд тартибида амалга оширилади.

Биринчи инстанция суди даъво талабининг уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги қисмини қаноатлантиришда мазкур қонун талабларига асосланган.

Бироқ фуқаролик ишида мавжуд бўлган Янгиариқ тумани, Улуғбек маҳалла фуқаролар йиғинининг 2018 йил 5 майдаги 907-сонли маълумотномасида Камила Саидова Турон кўчаси, 2-уй, 9-хонадонда доимий равишда яшашлиги кўрса-

тилган.

2018 йил 6 июлдаги суд мажлиси баённомасида ҳам гувоҳлар Х.Собирова ва К.Саидова жавобгарнинг низоли хонадонда доимий равишда яшаб келаётганлигини баён қилишган.

Бироқ биринчи инстанция суди жавобгарнинг низоли уй-жойда олти ойдан буён яшамасдан келганлигини тасдиқлайдиган бирон-бир далил мавжуд бўлмаса-да, даъвогарнинг даъво талабининг уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги қисмини қаноатлантириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

6-491-19-сонли иш



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ
Қ А Р О Р И

2019 йил 25 июль

№ РС-50-19

Тошкент шаҳри

**Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан
2019 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида
кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида**

Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорини муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ Олий суд Раёсати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Куч — адолатда" газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суд Матбуот хизмати, Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) ушбу суд амалиёти обзорини Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси, "Одил судлов" — "Правосудие" журнали ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Б.Исаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси**

К. КАМИЛОВ

МАЪМУРИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

I. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

1. Ҳуқуқбузар томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 133-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги натижасида ташкилотга тегишли автотранспорт воситасига зарар етказилганда, суд ҳуқуқбузардан етказилган зарарни автотранспорт ҳайдовчиси фойдасига эмас, балки ташкилот фойдасига ундиради.

Фуқаро А.Н. 2018 йил 15 мартда соат 14:20 ларда ўзига тегишли "Нексия" русумли давлат белгиси 10 А 111 АА бўлган автомашинани бошқариб, Тошкент шаҳридан Олмалиқ шаҳри йўналиши томонга ҳаракатланиб кетаётиб, "Олмалиқ — Тошкент" автоўлининг 18-чақиримида шу йўналиш бўйлаб олдинда ҳаракатланиб кетаётган ҳайдовчи Б.Д. бошқарувидаги "Д" масъулияти чекланган жамиятига тегишли "Малибу" русумли давлат белгиси 01 222 ААА бўлган автомашинанинг орқа қисмига бориб урилиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этган.

Баҳолаш ташкилотининг 2018 йил 12 апрелдаги 33-сонли ҳулосасига кўра, "Д" масъулияти чекланган жамиятига тегишли "Малибу" русумли, давлат белгиси 01 222 ААА бўлган автомашинага 19 500 000 сўм моддий зарар етказилган.

Биринчи инстанция судининг қарори билан А.Н. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 133-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилган ва унга нисбатан уч йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ҳамда ундан жабрланувчи Б.Д.га "Малибу" русумли, давлат белгиси 01 222 ААА автомашинасига етказилган 19 500 000 сўм моддий зарар ундириш белгиланган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аммо биринчи ва кассация инстанцияси судлари томонидан ҳуқуқбузарга нисбатан уч йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, тўғри ҳулосага келинган бўлса-да, ҳуқуқбузардан ҳайдовчи Б.Д. фойдасига "Малибу" русумли давлат белгиси 01 222 ААА автомашинасига етказилган 19 500 000 сўм моддий зарар ундирилиб, хатоликка йўл қўйилган. Чунки суд етказилган зарарни ундиришда автомашина кимга тегишли эканлигига эътибор бермаган.

Ваҳоланки, "Малибу" русумли, давлат белгиси 01 222 ААА автомашина фуқаро Б.Д.га эмас, балки "Д" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлганлиги ва фуқаро Б.Д. эса, унда ҳайдовчи бўлиб ишлашдан келиб чиқиб, автомашинага етказилган 19 500 000 сўм моддий зарар "Д" масъулияти чекланган жамияти фойдасига ундирилиши лозим эди.

Шу сабабли судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судлари қарорларининг "ҳуқуқбузар А.Н.дан жабрланувчи Б.Д.га "Малибу" русумли, давлат белгиси 01 222 ААА автомашинасига етказилган 19 500 000 сўм моддий зарар ундирилсин" сўзлари "ҳуқуқбузар А.Н.дан жабрланувчи "Д" масъулияти чекланган жамиятига "Малибу" русумли давлат белгиси 01 222 ААА автомашинасига етказилган 19 500 000 сўм моддий зарар ундирилсин" сўзлари билан ўзгартирилди.

7-417-19-сонли иш

2. Агар биринчи ва кассация инстанцияси судлари томонидан ҳуқуқбузарга нисбатан жазо қўллаш муддати ўтиб кетганлиги сабабли Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 271-моддаси 7-бандига асосан иш бўйича иш юритиш тугатилган бўлса, ишни назорат тартибида кўришда ҳуқуқбузар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ўз исботини топмаса, суд қарорлари бекор қилиниб, иш бўйича иш юритиш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 271-моддаси 1-бандига асосан тугатилади.

Фуқаро К.А. 2018 йил 14 апрелда ўз бошқарувидаги "Нексия" русумли, давлат рақами 80 А 333 АА бўлган транспорт воситаси Бобур кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб келаётиб, "Карвон бозори" томонга бурилаётган вақтда Йўл ҳаракати қоидаларининг 53-банди талабларини қўпол равишда бузиб, фуқаро Р.Р. бошқарувидаги "Спарк" русумли, давлат рақами 80 В 222 ВВ бўлган транспорт воситасининг ҳаракат йўналишига чиқиб, у билан ўзаро тўқнашиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир қилган. Натижада Р.Р. бошқарувидаги "Спарк" русумли транспорт воситасига 2 500 000 сўмлик моддий зарар етказилган.

Биринчи инстанция судининг қарори билан К.А. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 133-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топилган ва унга нисбатан қўзғатилган маъмурий иш бўйича иш юритиш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 271-моддаси 7-бандига асосан, яъни маъмурий жазо қўллаш муддати ўтганлиги асоси билан тугатилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судларининг қарорларини бекор қилиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғри-

сидаги иш бўйича иш юритишни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 271-моддаси 1-бандига асосан тугатган.

Бунда судлов ҳайъати Бобур кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб келаётган ҳайдовчи К.А. 1.1-рақамли ётиқ чизиги билан ажратилган йўлнинг қатнов қисмида Йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ манёврни бажараётган вақтда ҳайдовчи Р.Р. бошқарувидаги "Спарк" русумли, давлат рақами 80 В 222 ВВ бўлган транспорт воситасида ётиқ чизиқ билан белгиланган ҳаракатланиш чегарасига амал қилмасдан К.А. бошқарувидаги "Нексия" русумли, давлат рақами 80 А 333 АА бўлган транспорт воситаси билан тўқнашув содир этганлигига асосланган.

Судлов ҳайъати йўл-транспорт ҳодисасининг содир этилишида ва Р.Р. бошқарувидаги "Спарк" русумли автомашинага зарар етишида К.А.нинг манёврни амалга оширганлиги эмас, балки Р.Р.нинг ўзи Йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаганлиги сабаб бўлган деб ҳисоблаган.

Шу сабабли судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судларининг қарорларини бекор қилиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 271-моддаси 1-бандига асосан иш бўйича иш юритишни тугатишни лозим топган.

3-2001-1802/1684-сонли иш

3. Суд ҳуқуқбузарга нисбатан жазо тайинлашда ҳуқуқбузарлик ҳодисаси содир этилган ёки этилмаганлигига, агар ҳуқуқбузарлик содир этилган бўлса, бунда ҳуқуқбузарнинг айби мавжуд ёки мавжуд эмаслигига эътибор бериши лозим. Агар ҳуқуқбузарлик содир этилишида ҳуқуқбузарнинг айби бўлмаса, суд маъмурий иш бўйича иш юритишни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 271-моддаси 1-бандига асосан тугатади.

Фуқаро Б.Д. 2018 йил 18 октябрда соат 16:10 ларда "Ласетти" русумли, давлат рақами 01 А 444 АА бўлган транспорт воситасини Фурқат кўчасида жойлашган туман ДСИ биноси ёнида тўхтатиб, ДСИ биносига иш юзасидан кириб кетган. У

ишини битириб чиққанида, ЙПХ инспектори Б.Д.га нисбатан у автомашинасини тақиқланган жойда тўхтатганлиги сабабли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузганлиги маълум бўлган. Бироқ у ҳуқуқбузарлик содир этганлиги-

ни тан олмаган.

Биринчи инстанция судининг қарори билан Б.Д. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128⁶-моддаси биринчи қисми билан айбдор деб топилиб, унга нисбатан энг кам иш ҳақининг уч барабари миқдорида жарима жазоси тайинланган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судларининг қарорларини бекор қилиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича иш юритишни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 271-моддаси 1-бандига асосан тугатган.

Бунда судлов ҳайъати Б.Д.нинг судга қадар берган тушунтиришлари, суддаги кўрсатмалари ва бошқа иш ҳужжатларига асосланган.

Б.Д.нинг судга қадар берган тушунтиришлари ва суддаги кўрсатмаларида у автомашинасини тўхтатган жойдан дарахтларнинг шохлари бекитиб турганлиги сабабли "Тўхташ тақиқланган" 3.27-йўл белгиси кўринмаганлигини ва у ўша жойда тўхташ тақиқланганлигидан беҳабар бўлганлигини баён қилган. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада ҳам Б.Д. "3.27-йўл белгиси дарахтлар билан бекилиб қолган. Инспектор Р.Р. ва Б.Б. бу ҳолатни кўришди ва улар йўл белгиси кўринмаётганлигини тан олишди" деб ўз тушунтиришларини қайд этган. Иш ҳужжатларида мавжуд бўлган фотосуратларда ҳам автомашина турган

жойдан тўхташни тақиқловчи йўл белгиси кўринмаслиги ва йўл четида тўхташни тақиқловчи йўл чизиқлари мавжуд бўлмаганлиги кўриниб турибди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 276-моддасига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид далиллар ҳар қандай фактик маълумотлардан иборат бўлиб, органлар (мансабдор шахслар) шу маълумотларга асосланиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юз берган ёки бермаганлигини, муайян шахсининг уни содир этишда айбдорлигини ва ишни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлайди.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган маълумотлар қуйидаги воситалар: маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахсининг тушунтиришлари ҳамда жабрланувчининг, гувоҳларнинг кўрсатмалари, эксперт хулосаси, мутахассис маслаҳати (тушунтиришлари), ашёвий далиллар, ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённома, аудио-видеоёзувлардан ва фотосуратлардан иборат материаллар, шунингдек, бошқа материаллар билан белгиланади.

Шу сабабли судлов ҳайъати Б.Д.нинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд эмас деб ҳисоблаб, иш бўйича иш юритишни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 271-моддаси 1-бандига асосан тугатишни лозим топган.

7-214-19-сонли иш

4. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245³-моддасига асосан, ушбу кодекснинг 101-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни кўриб чиқиш тааллуқлилиги бўйича Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси органлари ваколатига берилган. Агар Мажбурий ижро бюроси органи тааллуқлилиги бўйича ўз ваколатига берилган ушбу ҳуқуқбузарликни кўриб чиқмасдан, маъмурий судга кўриб чиқиш учун юборганда, суд Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 303¹-моддасига асосан, маъмурий иш материалларини Мажбурий ижро бюроси туман бўлимига қайтаради.

Мажбурий ижро бюроси туман бўлими ходимлари томонидан "М" тумани, "А" маҳалла фуқаролар йиғини, Бедил кўчасида электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш бўйича ўтказилган текширишда 22-уйда яшовчи Ж.З. ўз яшаш хо-

надонида электр тармоғига электр ҳисоблагичдан ташқари ўзбошимчалик билан уланиб, ноқонуний фойдаланиб келганлиги аниқланган. Бу билан у электр тармоқлари корхонасига 3 150 000 сўм моддий зарар етказган.

Текшириш натижалари бўйича Мажбурий ижро бюроси туман бўлими ходимлари томонидан Ж.З.га нисбатан электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасига уланмасдан электр энергиясидан фойдаланганлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 101-моддаси бўйича маъмурий иш қўзғатилиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилган.

Аниқланган ҳолат юзасидан Ж.З. эътироз билдиргани учун иш Мажбурий ижро бюроси туман бўлими томонидан кўриб чиқилмасдан, маъмурий иш материаллари кўриб чиқиш учун судга юборилган.

Биринчи инстанция судининг қарори билан Ж.З. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 101-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузардикни содир этган деб топилган ва унга нисбатан ушбу кодекснинг 33-моддаси қўлланилиб, у энг кам иш ҳақининг икки барабари миқдорида жарима жазосига тортилган. Ундан туман электр таъминоти корхонаси фойдасига 3 150 000 сўм зарар ундирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судларининг қарорларини бекор қилиб, маъмурий иш материалларини биринчи инстанция суди орқали Мажбурий ижро бюроси туман бўлимига қайтаришни лозим топган.

Бунда судлов ҳайъати Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245³ ва 310-моддаларига асосланган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245³-моддасида Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси органларига ушбу кодекснинг 101 (умумий фойдаланишдаги электр ва газ

тармоқлари ҳамда электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олиш асбобларига оид қисмида), 198¹ ва 198²-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлилиги белгиланган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 310-моддаси биринчи қисмига кўра, орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, маъмурий жазо қўллаш тўғрисида ёки ишни юритишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Аммо Мажбурий ижро бюроси туман бўлими Ж.З.га нисбатан қўзғатилган маъмурий ишни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245³-моддасида ўзига берилган ваколат доирасида кўриб чиқмасдан ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 310-моддаси биринчи қисмидаги қарорлардан бирини қабул қилмасдан судга кўриб чиқиш учун юборган.

Биринчи ва кассация инстанцияси судлари томонидан бу ҳолатга эътибор берилмасдан, маъмурий иш кўриб чиқилиб тегишли қарорлар қабул қилинган.

Шу сабабли судлов ҳайъати суд қарорларини бекор қилиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 303¹-моддасига асосан, маъмурий иш материалларини Мажбурий ижро бюроси туман бўлимига қайтарган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 303¹-моддасига мувофиқ маъмурий иш мазкур органга (мансабдор шахсга) тааллуқли бўлмаган (судловига тегишли бўлмаган) тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаллари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузган органга (мансабдор шахсга) қайтарилади.

3-1509-1901/53-сонли иш

5. Биринчи инстанция судининг қарори устидан кассация шикояти (протести) суд қарорининг кўчирма нусхаси топширилган ёки олинган кундан эътиборан икки ой ичида берилиши мумкин.

Фуқаро С.Д. 2017 йил 19 декабрда соат 15:30 ларда Гулистон шаҳри, Алишер Навоий кўчасида ўзининг бошқарувидаги "Нексия" русумли, давлат рақами 20 А 555 АА бўлган автомашинасида фуқаро

В.В.га тегишли бўлган "Лексус" русумли, давлат рақами 20 В 444 ВВ бўлган автомашина билан тўқнашув содир этган.

Биринчи инстанция судининг 2018 йил 18 февралдаги қарори билан ҳуқуқбузар

С.Д. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 133-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топилган ва унга нисбатан ушбу кодекснинг 33-моддаси қўлланилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорида, яъни 86 120 сўм жарима жазоси тайинланган. Шунингдек, С.Д.дан "Лексус" русумли, давлат рақами 20 В 444 ВВ бўлган автомашина ҳайдовчиси В.В. фойдасига 27 500 000 сўм ундирилган.

Ҳуқуқбузар С.Д. биринчи инстанция судининг қарори устидан кассация шикоят билан мурожаат қилиб, кассация шикоятга шикоят билан мурожаат қилиш муддатини тиклаш тўғрисидаги ариза илова қилинган.

Биринчи инстанция судининг 2018 йил 10 декабрдаги ажрими билан кассация шикояти бериш муддатини тиклаш тўғрисидаги аризани қаноатлантириш рад қилинган.

Кассация инстанцияси судининг 2019 йил 22 январдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи инстанция судининг 2018 йил 10 декабрдаги ажрими ва кассация инстанцияси судининг 2019 йил 22 январдаги ажримини бекор қилиб, С.Д.нинг кассация шикояти бериш муддатини ўтказиб юборилганлигини узрли деб топган ва қарор юзасидан кассация шикояти бериш муддатини тиклаган. Кассация шикоятини расмийлаштириб кассация инстанциясига юбориш учун

биринчи инстанция судига юборган.

Бунда судлов ҳайъати С.Д.нинг кассация шикояти бериш муддатини ўтказиб юборганлигини узрли деб топиб, биринчи инстанция судининг қарори юзасидан кассация шикояти бериш муддатини тиклашда биринчи инстанция судининг 2018 йил 20 февралдаги қарори С.Д.га топширилганлиги ёки унга юборилганлигини тасдиқловчи тилхат ёки почта алоқа хати мавжуд эмаслигига, у суд қарорини олмаганлигига, фақатгина бу ҳақда Мажбурий ижро бюроси туман бўлими ходимлари суд қарорини ижро қилиш учун келганларида қарорни кўрганлигига, шундан кейин дарҳол кассация шикояти билан мурожаат қилганлигига асосланган.

Ваҳоланки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 324³-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларига кўра, суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан кассация шикояти (протести) суд қарорининг кўчирма нусхаси топширилган ёки олинган кундан эътиборан икки ой ичида берилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган муддат ўтказиб юборилган тақдирда, кассация шикояти (протести) берувчи шахснинг илтимосномасига кўра, қарорни чиқарган суд, агар муддатнинг ўтказиб юборилганлиги сабабларини узрли деб топса, ўтказиб юборилган муддатни тиклашга ҳақли бўлиб, бу ҳақда ажрим чиқарилади.

7-452-19-сонли иш

II. МАЪМУРИЙ ВА БОШҚА ОММАВИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН НИЗОЛАРГА ОИД ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

6. Ариза (шикоят) маъмурий органга нисбатан берилган бўлиб, аммо устидан шикоят берилаётган ҳаракат меҳнат муносабатларидан келиб чиққан бўлса, бундай талаблар маъмурий суд судловига эмас, балки фуқаролик суди судловига тааллуқлидир.

Вилоят ИИБ бошлиғининг 2016 йил 12 майдаги 21-сонли буйруғи билан фуқаро М.А. ички ишлар органларидан хизматдан бўшатилган.

Шу сабабли М.А. маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, вилоят ИИБ бошлиғининг 2016 йил 12 майдаги 21-сонли буйруғини қонунга мувофиқ эмас, деб топишни

ва вилоят ИИБ бошлиғи зиммасига 2016 йил 12 майдаги 21-сонли буйруғини бекор қилиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабларни қаноатлантириш рад қилинган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал

қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд Пленумининг "Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида" 2018 йил 19 майдаги қарори 3-банди ўн иккинчи хатбошисида агар ариза маъмурий орган бўлмаган корхона, ташкилот, муассаса ҳужжатини ҳақиқий эмас, деб топиш ёки унинг мансабдор шахси ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) ғайриқонуний деб топиш тўғрисида берилган ёхуд ариза (шикоят) маъмурий органга нисбатан берилган бўлиб, аммо устидан шикоят берилмаётган ҳаракат меҳнат муносабатла-

ридан келиб чиққан бўлса, бундай талаблар маъмурий суд судловига тааллуқли эмаслиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 108-моддаси 1-бандига асосан, суд иш маъмурий судга тааллуқли бўлмаса, иш юритишни тугатади.

Шу сабабли судлов ҳайъати биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, аризачининг талаби маъмурий суд судловига тааллуқли бўлмаганлиги учун иш бўйича иш юритишни тугатишни лозим топган.

7-265-19-сонли иш

7. Аризачи судга ариза (шикоят) билан мурожаат қилганда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 128-моддасида белгиланган ариза (шикоят)нинг шакли ва мазмунига риоя қилмаган бўлса, у ва унга илова қилинган ҳужжатлар Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 134-моддаси биринчи қисми 1-бандига асосан қайтарилади.

Фуқаро И.Л. "Д" туманидаги "А" қишлоқ фуқаролар йиғинига нисбатан маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, "Қозоғистон Республикаси фуқароси сайловда овоз бериш ҳуқуқига эгами ёки йўқми, овоз бериш жараёнида М.М. қандай қилиб санок комиссияси аъзоси бўлиб қолди, "А" қишлоқ фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчилари этиб 7 нафар номзод қўйилганини қандай тушунса бўлади, санок комиссиясини сохта баённомалар расмийлаштиришга ким мажбур қилган, Қозоғистон Республикаси фуқаросини кимлар чиқариб юборди" деган саволларни кўриб чиқишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар қайтарилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг суд ҳужжатларини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

Бунда судлов ҳайъати Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 134-моддаси биринчи қисми 1-бандига асосланган.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 134-моддаси биринчи

қисми 1-бандига кўра, аризанинг (шикоятнинг) ушбу кодекснинг 128-моддасида белгиланган шакли ва мазмунига риоя қилинмаган бўлса, судья аризани (шикоятни) ва унга илова қилинган ҳужжатларни қайтаради.

Ваҳоланки, аризачининг аризасида талабни мадан иборатлиги аниқ кўрсатилмаган.

Бундан ташқари аризачи И.Л. аризада "Д" туманидаги "А" қишлоқ фуқаролар йиғинида сайлов қонунга зид тарзда ўтганлигини баён этган бўлса-да, аммо у "Я" туманидаги "С" қишлоқ фуқаролар йиғини, Алишер Навоий кўчаси, 15-уйда доимий рўйхатда туриб яшаб келган.

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддаси иккинчи қисмида (Қонун иш кўрилаётган вақтда амалда бўлган) фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) сайлаш ҳуқуқига сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган ҳамда шаҳарча, қишлоқ, овул, шунингдек, шаҳардаги, шаҳарчадаги, қишлоқдаги, овулдаги маҳалла ҳудудида доимий яшовчи фуқаролар эга бўлиши белгиланган.

Аммо И.Л. "Д" туманидаги "А" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчиларининг 2016 йилда 26 июндаги сайловида сайловчи сифатида иштирок этмаган.

7-371-19-сонли иш

8. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказилганда, сайлов округи бўйича депутатликка икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан бирортаси ҳам сайланмаса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда такрорий овоз бериш ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади.

Халқ депутатлари "М" туман Кенгашига 18-сайлов округида 2018 йил 11 март куни ўтказилган сайловда рўйхатга олинган депутатликка номзодлардан А.А. 22 та (5,5 фоиз), Д.Д. 101 та (25,4 фоиз), А.Р. 160 та (40,3 фоиз), Р.У. 114 та (28,7 фоиз) овоз олган.

Халқ депутатлари "М" туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссиясининг 2018 йил 12 мартдаги 55-сонли қарори билан қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ номзодларнинг бирортаси 50 фоиздан ортиқ овоз олмаганлиги сабабли 2018 йил 18 март куни такрорий сайлов ўтказилиши белгиланган ҳамда энг юқори овоз олган А.Р. ва Р.У.нинг номзодлари такрорий овозга қўйилган.

Халқ депутатлари "М" туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссиясининг 2018 йил 14 мартдаги 58-сонли қарори билан депутатликка номзод Р.У. такрорий овоз беришдан ўз номзодини олиш тўғрисида ариза берганлиги сабабли туман сайлов комиссиясининг 2018 йил 12 мартдаги 55-сонли қарорининг 2-банди бекор қилинган ва А.Р. депутат этиб сайланган деб рўйхатга олинган.

Кейинчалик сайловда қатнашган А.А. ва Д.Д. томонидан ҳам ўз номзодларини қайтариб олиш тўғрисида халқ депутатлари "М" туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссиясига аризалар берилган.

Халқ депутатлари "М" туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссиясининг 2018 йил 26 майдаги 72-сонли баённомаси билан туман сайлов комиссиясининг 2018 йил 14 мартдаги 58-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисобланиб,

18-сайлов округида депутатлик ўрнига янгидан сайлов ўтказилиши ҳақида қарор қабул қилинган.

Шу сабабли аризачи А.Р. маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, Халқ депутатлари "М" туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссиясининг 2018 йил 26 майдаги 72-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни ва 2018 йил 14 мартдаги 58-сонли қарорини ўз кучида қолдиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабларни қаноатлантириш рад қилинган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 41-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг ярмидан кўпининг овозини олган номзод сайланган деб ҳисобланади.

Қонуннинг 42-моддаси биринчи қисмида сайлов округи бўйича депутатликка икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан бирортаси ҳам сайланмаса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда такрорий овоз бериш ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиши белгиланган.

Судлов ҳайъати ушбу қонун талабларидан келиб чиқиб, биринчи ва апелляция инстанцияси судлари тўғри хулосага келган деб ҳисоблаб, уларнинг қарорларини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

7-349-19-сонли иш

9. Фуқаролик судида муҳокама предмети бўлган далат органи қарорига кейинчалик шу органнинг бошқа қарори билан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган бўлиб, судга ушбу органнинг ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисидаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилинганда, суд ариза бўйича иш юритишни Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 108-моддаси 2-бандига асосан тугатмасдан, балки ишни мазмунан кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

Фуқаролик ишлари бўйича шаҳар судининг 2017 йил 15 сентябрдаги ҳал

қилув қарори билан шаҳар ҳокимининг 2016 йил 18 ноябрдаги 111-Қ-сонли ва

2017 йил 25 майдаги 222-Қ-сонли қарорларининг қонунга мувофиқлиги текширилиб, фуқаролар К.К. ва С.Т.нинг аризасини қаноатлантириш рад этилган. Шаҳар ҳокимининг 2018 йил 22 июлдаги 333-Қ-сонли қарори билан унинг 2017 йил 25 майдаги 222-Қ-сонли қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Шу сабабли фуқаролар К.К. ва С.Т. маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, шаҳар ҳокимининг 2018 йил 22 июлдаги 333-Қ-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг қарори билан ариза қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 108-моддаси 2-бандига мувофиқ иш бўйича иш юритишни тугатган.

Судлов ҳайъати апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб,

ишни янгидан кўриш учун апелляция инстанцияси судига юборган.

Бунда судлов ҳайъати апелляция инстанцияси суди шаҳар ҳокимининг 2018 йил 22 июлдаги 333-Қ-сонли қарори билан шаҳар ҳокимининг 2017 йил 25 майдаги 222-Қ-сонли қарорига ўзгартиш ва қўшимча киритилганлиги Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 108-моддаси 2-бандига мувофиқ иш бўйича иш юритишни тугатишга асос бўлади деб нотўғри хулосага келган деб ҳисоблаган. Яъни судлов ҳайъати фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарорида муҳокама предмети бўлган шаҳар ҳокимининг 2017 йил 25 майдаги 222-Қ-сонли қарорига шаҳар ҳокимининг 2018 йил 22 июлдаги 333-Қ-сонли қарори билан ўзгартиш ва қўшимча киритилганлиги унинг ҳам фуқаролик судида муҳокама предмети бўлганлигини англамайди деган тўхтамга келган.

3-1401-1802/0794-сонли иш

10. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи жойнинг ўзида чегаралар белгиланганидан, ер участкаларининг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилиб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатига олинганидан кейин вужудга келади.

Фуқаро Б.Ю. туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасига мурожаат қилиб, марҳум отаси А.А. номига "Мустақиллик" маҳалла фуқаролар йиғинида ажратилган 0,06 га ер майдонини рўйхатдан ўтказишни сўраган. Бироқ туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси томонидан фуқаро Б.Ю.га рад жавоби берилган.

Шу сабабли фуқаро Б.Ю. судга ариза билан мурожаат қилиб, туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси мансабдор шахсларининг унинг марҳум отаси А.А. номига "Мустақиллик" маҳалла фуқаролар йиғинида ажратилган 0,06 га ер майдонини рўйхатдан ўтказишни рад қилиш ҳаракатларини қонунга ҳилоф деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция су-

дининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судларининг қарорларини бекор қилиб, аризани қаноатлантиришни рад этишни лозим топган.

Бунда судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судларининг қарорларини бекор қилишда Ер кодексининг 31-моддасига асосланган.

Ер кодексининг 31-моддасида юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи жойнинг ўзида чегаралар белгиланганидан, ер участкаларининг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилиб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатига олинганидан кейин вужудга келиши белгиланган.

Аниқланишича, туман ҳокимининг 2003 йил 13 январдаги 111-сонли қарорига асосан, фуқаро А.А.га 0,06 гектар ер участкаси ажратиш белгиланган. Фуқа-

ро А.А. 2005 йилда вафот этган. Аммо марҳум А.А.га туман ҳокими қарори билан ажратилиши белгиланган ер участкасининг чегаралари белгиланмасдан, ер участкасининг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилмасдан, ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилмасдан қолган.

Кейинчалик марҳум А.А.га ажратилган ер участкасида фуқаро М.М. 2013 йилда уй-жой қурган ва М.М. ҳамда унинг оила аъзолари ҳозирги кунга қадар яшаб келган. М.М.га низоли ер участкасига ва қурилган уй-жойга 2015 йил 18 майда кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилиб, улар давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бундан ташқари ушбу кодекснинг 36-моддаси биринчи қисми 10-бандида қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ер участкасидан бир йил мобайнида ва қишлоқ хўжалиги соҳаси-

га тааллуқли бўлмаган эҳтиёжлар учун берилган ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи ёхуд ундан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи бекор қилиниши белгиланган.

Шу сабабли судлов ҳайъати марҳум А.А.да ер участкасига бўлган ҳуқуқ вужудга келмаганлигидан ва фуқаро М.М.га низоли ер участкаси ва қурилган уй-жойга нисбатан кадастр ҳужжатлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда расмийлаштирилганлиги ҳамда улар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун биринчи ва кассация инстанцияси судларининг қарорларини бекор қилиб, аризани қаноатлантиришни рад қилган.

3-1405-1801/1725-сонли иш

11. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 134-моддаси биринчи қисмида аризани (шикоятни) қайтариш асослари келтирилган бўлиб, улар тугал ҳисобланади. Маъмурий судга мурожаат қилинганда, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 134-моддаси биринчи қисмида кўрсатилганидан бошқа асослар билан ариза (шикоятни) қайтаришга йўл қўйилмайди.

Фуқаро С.А. маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2017 йил 17 октябрдаги 444-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан С.А.нинг судга мурожаат қилиш муддатини тиклаш тўғрисидаги илтимосномаси рад этилиб, унинг аризаси қайтарилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2019 йил 12 февралдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Бунда биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан С.А.нинг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни қайтариш учун келтирилган асос Маъмурий суд ишларини юритиш тўғри-

сидаги кодекснинг 134-моддаси биринчи қисмида келтирилган аризани (шикоятни) қайтариш асосларида кўрсатилмаганлигига эътибор берилмаган.

Ваҳоланки, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 134-моддаси биринчи қисмида келтирилган аризани (шикоятни) қайтариш асослари тугал бўлиб, унда ариза билан мурожаат қилиш муддатининг ўтиб кетганлиги аризани қайтаришга асос бўлиши белгиланмаган.

Шу сабабли, судлов ҳайъати биринчи инстанция судининг ажрими ва апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, ишни кўришни биринчи инстанция судига юборишни лозим топган.

3-1610-1901/27-сонли иш



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ
Қ А Р О Р И

2019 йил 25 июль

№ РС-51-19

Тошкент шаҳри

**Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан
2019 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида
кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида**

Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ Олий суд Раёсати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Куч — адолатда" газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суд Матбуот хизмати, Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) ушбу суд амалиёти обзори Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси, "Одил судлов" — "Правосудие" журнали ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари — иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати раиси Б.Исаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси**

К. КАМИЛОВ

ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

I. ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚўЛЛАШ АМАЛИЁТИ

1. Билдирилган талаб бўйича суд ҳал қилув қарори қабул қилмаганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлади.

"Т" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги чет эл корхонаси тугатиш бошқарувчиси "М" хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, мулкни қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш ва уни мажбурий тартибда чиқаришни сўраган.

Ўз навбатида, жавобгар даъвогарга нисбатан қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, даъвогарга берилган ертўлага нисбатан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи кадастр ҳужжати берилишини қонунга хилоф деб топиш ҳамда кадастр ҳужжатини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан дастлабки даъво аризасини қаноатлантириш рад қилинган, қарши даъво аризаси қисман қаноатлантирилиб, даъвогарга берилган ертўлага нисбатан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи кадастр ҳужжати ҳақиқий эмас, деб топилган. Ертўлага нисбатан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи кадастр ҳужжати берилишини қонунга хилоф деб топиш талаби бўйича иш юритишдан тугатилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган ва туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан даъво аризаси қаноатлантирилган. Қарши даъво аризаси бўйича иш юритиш тугатилган.

Биринчи инстанция суди иш учун аҳамиятли ҳолатларни тўлиқ ўрганмас-

дан даъво аризасини қаноатлантириш тўғрисида барвақт асоссиз хулосага келган.

Суд томонидан низоли ертўлага нисбатан кадастр ҳужжати берилиши, лойиҳа ҳужжатлари нусхаси тегишли органлардан олиниб, уларнинг қонунийлиги тўлиқ ўрганилмаган.

Шунингдек, суд қарши даъво аризасидаги талаблар бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисида нотўғри тўхтамга келган. Чунки жавобгар даъвогарга нисбатан унга берилган ертўлага нисбатан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи кадастр ҳужжати берилишини қонунга хилоф деб топиш ҳамда кадастр ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида қарши даъво аризаси судга тақдим қилинган пайтда ушбу талаб иқтисодий судга тегишли бўлган. Аммо суд ушбу талабни мазмунан кўриб, у бўйича ҳал қилув қарори қабул қилмаган.

Иқтисодий процессуал кодекснинг 302-моддаси тўртинчи қисми 7-бандига кўра, билдирилган талаб бўйича суд ҳал қилув қарори қабул қилмаганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлади.

Бундай ҳолатда судлов ҳайъати назорат шикоятини қисман қаноатлантириш, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва ишни мазмунан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш тўғрисида қарор қабул қилган.

10-1720/2624-сонли иш

2. Низо кўриб чиқиш учун иқтисодий суд судловига тааллуқли бўлмаса, суд иш юритишни тугатади.

"V" масъулияти чекланган жамиятининг кўп тармоқли агросаноат биржасида импорт контрактлари бўйича тузилган талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш тўғриси-

да шартномаларни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги даъво аризаси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан қисман қаноатлантирилиб, кўп тармоқ-

ли агросаноат биржасида импорт контрактлари бўйича тузилган талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш тўғрисида шартномалар ҳақиқий эмас, деб топилган.

Иш апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўрилмаган.

Иқтисодий процессуал кодекснинг 38-моддасига кўра, ушбу кодекснинг 33 ва 34-моддаларида белгиланган судловга тегишлилик тарафларнинг келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

Даъвогар "V" масъулияти чекланган ширкат ва "E" компанияси ўртасида тузилган талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш тўғрисида шартномаларда низоларни ҳал этиш жойи белгиланиб, ушбу шартномаларда музокаралар билан ҳал этилмаган барча низолар ва келишмовчиликлар даъвогар жойлашган давлатда арбитраж

органи томонидан кўриб чиқилиши белгиланган.

Биринчи инстанция суди процессуал ҳуқуқ нормалари талабларини кўпол равишда бузган, яъни низо кўриб чиқиш учун иқтисодий суд судловига тааллуқли бўлмаса-да, низони кўриб чиқиб мазмунан ҳал этган.

Иқтисодий процессуал кодекснинг 110-моддаси 1-бандига мувофиқ, иш судга тааллуқли бўлмаса, суд иш юритишни тугатади.

Бундай ҳолатда судлов ҳайъати биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, иш судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли даъво аризаси бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

4-1001-1708/5882-сонли иш

3. Суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин тарафлар кўшимча равишда алоҳида ҳужжат тарзидаги шартнома тузишга ва имзолашга мажбур эмас. Ишнинг иқтисодий суд томонидан ҳаммага маълум деб топилган ҳолатлари исботлашга муҳтож эмас.

Даъвогар "E" хусусий корхонасининг соғлиқни сақлаш бошқармасидан 18 035 812,09 сўм асосий қарз ва 9 017 906,04 сўм пеня ундириш тўғрисидаги даъво аризаси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 18 035 812,09 сўм асосий қарз ундирилган. Даъвонинг пеня ундириш талабини қаноатлантириш рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ушбу ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво аризасини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

Иш ҳужжатларига кўра, туман ҳудудидаги тўрт қаватли ва ертўлалари умумий бинонинг биринчи қавати оператив бошқарув ҳуқуқи асосида тиббий поликлиникага, иккинчи қавати "K" хусусий корхонасига, бинонинг учинчи ва тўртинчи қаватлари ҳамда ертўла қисми даъвогар "E" хусусий корхонасига тегишли бўлган.

Кўп йиллардан буён бинода ўрнатилган анъанага кўра, бинонинг каттароқ қисми даъвогарга тегишли бўлганлиги сабабли, даъвогар ушбу бинога электр қуввати, иссиқлик қуввати, иссиқ сув таъминоти, сув,

канализация, оқава сув таъминоти, бинони асосий кириш қисми ва бинони умумий кўриқлаш, маиший чиқиндиларни ташиб кетишни ташкил этиш, теварак-атроф инфраструктура объектлари, бириктирилган ер майдонларини ободонлаштириш, бинони ва унинг теварак-атрофини ёритиш, бинони умумий ҳолатини соз сақлаш, уни жорий ва капитал таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олган.

Тиббий поликлиника бинонинг биринчи қаватидан кўчиб кетгандан сўнг даъвогар томонидан қилинаётган харажатларни қоплаб бериш масаласида низо келиб чиққан.

Суднинг тарафлар ўртасидаги низо бўйича бошқа иш юзасидан илгари қабул қилинган ва қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан соғлиқни сақлаш бошқармаси бинодан фойдаланган бўлса-да, аммо тўловларни ўз вақтида амалга оширмаганлиги аниқланган.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Бино ва иншоотларни балансдан ўтказиш тўғрисида"ги буйруғига асосан туман ҳудудидаги бинонинг 1-қавати тегишли ҳудудлари билан Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси балансига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул берилган.

Туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг жавобгарга нисбатан 2017 йил 1 июндан бошлаб уч томонлама коммунал хизматларга шартнома тузишга мажбур қилиш тўғрисидаги даъво аризаси қаноатлантирилган, жавобгар зиммасига даъвогар ва "К" хусусий корхонаси билан уч томонлама шартнома тузиш мажбурияти юклатилган. Ушбу ҳал қилув қарори билан бинонинг биринчи қавати бўш қолганлиги сабабли шартнома тузилмасдан қолганлиги, шундай бўлса-да, даъвогар томонидан коммунал хизматлар кўрсатиб келинганлиги аниқланган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 73-моддаси биринчи қисмига кўра, ишнинг иқтисодий суд томонидан ҳаммага маълум деб топилган ҳолатлари исботлашга муҳтож эмас.

Демак, бошқа иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори билан бинога коммунал хизматлар, яъни қўриқлаш, иситиш, тозалаш, сақлаш каби хизматлар даъвогар томонидан кўрсатиб келинганлиги аниқланган.

Олий ҳўжалик суди Пленумининг "Хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишни тартибга солувчи фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида" 2009 йил 18 декабрдаги 203-сонли қарори билан судларга берилган тушунтиришларга мувофиқ, суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин тарафлар қўшимча равишда алоҳида ҳужжат тарзидаги шартнома тузишга ва имзолашга мажбур эмаслар.

Шунинг учун кассация инстанцияси судининг шартнома тузишга мажбур этиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори ижро этилмаганлиги ва шартнома тузилмаганлиги

тўғрисидаги хулосаси асоссиз.

Давлат мулкани ижарага бериш маркази ДУК (ижарага берувчи), суд департаментининг ҳудудий бошқармаси (ижарачи), жавобгар ўртасида бино ва иншоотлар ёки уларнинг қисмларини ижарага бериш тўғрисида тузилган шартномага кўра, туман ҳудудидаги умумий майдони 458 кв.м бўлган жой ижарачига ижарага берилган ва ушбу шартномада жавобгар ижарага берилаётган жойни балансда сақловчиси сифатида қайд этилган.

Шунингдек, давлат мулкани ижарага бериш маркази ДУК (ижарага берувчи), Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси (ижарачи), жавобгар ўртасида бино ва иншоотлар ёки уларнинг қисмларини ижарага бериш тўғрисида кейинги тузилган шартномага кўра, туман ҳудудидаги умумий майдони 458 кв.м бўлган жой ижарачига ижарага берилган ва ушбу шартномада ҳам жавобгар ижарага берилаётган жойни балансда сақловчиси сифатида қайд этилган.

Тиббий поликлиника ушбу бинода фаолият кўрсатмаган даврдан бошлаб, бинонинг биринчи қаватини ижарага бериш ва ундан фойдаланиш масаласида жавобгар ўзини шартномаларда балансда сақловчи сифатида кўрсатиб, иштирок этиб келган.

Судлов ҳайъати юқорида қайд этилган ҳолатларни инобатга олиб, кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва даъвогарнинг даъво аризасини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида асоссиз хулосага келган деб ҳисоблаган.

Шу боис судлов ҳайъати кассация инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдириш тўғрисида қарор қабул қилди.

4-1001-1812/18212-сонли иш

II. МОДДИЙ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚўЛЛАШ АМАЛИЁТИ

1. 2019 йил 1 январдан давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган корхоналарга контрагентлари билан ўзаро муносабатларда кечиктирилган дебиторлик қарзлар учун қўлланадиган санкциялар бекор қилинган. Устав фондида давлат улуши бўлмаган корхоналарга контрагентлари билан ўзаро муносабатларда кечиктирилган дебиторлик қарзлар учун санкциялар қўллаш назарда тутилмаган.

Давлат солиқ инспекциясининг Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июнда-

ги 245-сонли қарорига мувофиқ "Н" масъулияти чекланган жамиятига нисба-

тан 17 321 807,60 сўм миқдорида молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги аризаси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, "Н" масъулияти чекланган жамияти чет эл компанияси билан тузилган импорт шартномасига асосан чет эл компаниясига 20 000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағини ўтказган. Аммо маҳсулот белгиланган муддатда импорт қилинмаган.

Шунингдек, яна бир чет эл компанияси билан тузилган импорт шартномаси бўйича 926,37 АҚШ доллари миқдоридаги товарларни импорт қилиш муддати ўтказиб юборилиб, ҳужжатлари расмийлаштирилмаган.

ДСИ томонидан масъулияти чекланган жамиятига нисбатан жарима қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиниб, жаримани ихтиёрий тўлаш учун муддат берилган. Лекин масъулияти чекланган жамияти томонидан жарима ихтиёрий тўланмаган.

Судлар масъулияти чекланган жамияти импорт товарларни олиб келишни 180 кунга кечиктирилганлиги учун Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245-сонли қарорига мувофиқ 17 321 807,60 сўм миқдорида жарима қўллаш тўғрисида тўхтамга келган.

2. Атроф табиий муҳитни ифлослантирган айбдор шахс унга нисбатан ҳисобланган компенсация тўловларини талабномада белгиланган муддатда ихтиёрий тўлаши керак, ушбу тўлов айбдор шахс томонидан ихтиёрий тўланмаган тақдирда, суд тартибида ундирилади.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг жавобгар "М" масъулияти чекланган жамиятидан 24 737 673 сўм асосий қарз, 5 862 828 сўм пеня, жами 30 600 501 сўмни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 24 737 673 сўм асосий қарз, 3 500 000 сўм пеня ундирилган, даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Бироқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Товар бозорларида савдо-ни янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 30 октябрдаги Фармони 1-банди "а" кичик бандида 2019 йил 1 январдан давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган корхоналар контрагентлари билан ўзаро муносабатларда кечиктирилган дебиторлик қарзлар учун санкцияларни бекор қилиш назарда тутилганлиги судлар эътиборидан четда қолган. Яъни 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб масъулияти чекланган жамияти бундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликдан озод қилинган.

Бундан ташқари масъулияти чекланган жамиятининг устав фондида давлат улуши йўқлиги тарафларнинг суд мажлисидаги кўрсатмалари билан тасдиқланади.

Аммо биринчи инстанция суди ушбу ҳолатларни инobatга олмасдан, молиявий жаримани қўллаш тўғрисида нотўғри хулосага келган. Кассация инстанцияси суди эса, иш учун аҳамиятли ҳолатларга етарлича эътибор бермасдан ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати ҳал қилув қарори ва кассация инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, давлат солиқ инспекциясининг аризасини қаноатлантиришни рад қилиш тўғрисида янги қарор қабул қилди.

4-1601-1803/6353-сонли иш

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, "Сувсоз" давлат унитар корхонаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасига хат билан мурожаат қилиб, жавобгар "М" масъулияти чекланган жамияти томонидан атроф-табиий муҳитни ифлослантирилганлиги юзасидан 30 600 501 сўм компенсация тўловла-

ри ҳисоблангани, ушбу компенсация тўловларининг 24 737 673 сўми асосий қарз, 5 862 828 сўми пеня эканлигини билдирган.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси жавобгар "М" масъулияти чекланган жамиятига талабнома юбориб, Вазирлар Маҳкамасининг "Коммунал хўжалиги тизимида табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2010 йил 3 февралдаги 11-сонли қарорига мувофиқ 24 737 673 сўм компенсация тўловини тўлашни сўраган ҳамда компенсация ихтиёрий тўланмаган тақдирда, суд тартибида жарима санкциялари билан бирга ундириб олинишини маълум қилган.

Ушбу талабнома масъулияти чекланган жамияти томонидан ихтиёрий ижро этилмаганлиги сабабли экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг судга тақдим этган даъво аризаси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан қисман қаноатлантирилган. Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

Апелляция инстанцияси суди даъво ни рад этишда "Ўзстандарт" агентлиги томонидан маълум қилинган "Ўзбекистон раҳбарий ҳужжатлари (O'zRH/РД) ва тавсиялари (O'zT)"нинг 2016 йилнинг 1 январидан амал қилиш муддати тугаганлигига, компенсация ҳисоблашда қўлланилган РД 118.3897485.11-92-сонли методик кўрсатма бекор қилинганлигига, даъво қонуний кучда бўлмаган ҳужжат асосида киритилганлигига асосланган.

Даъво аризасига илова қилинган ҳужжатлардан маълум бўлишича, даъвогар компенсацияни нафақат РД, балки бошқа методик кўрсатмаларга асосланган ҳолда ҳисоблаган бўлсада, апелляция инстанцияси суди бунга эътибор бермаган.

Тақдим этилган ҳужжатлардан маълум бўлишича, жавобгар масъулияти чекланган жамияти томонидан оқова

тармоғига чиқарилган сув таркиби лаборатория текширувидан ўтказилишида ундаги нефть маҳсулотларининг концентрацияси РД 118.3897485.11-92-сонли, азот-аммоний моддаси РД 118.3897485.16-92 ва сузиб юрувчи моддалар РД 118.3897485.6-92-сонли методик кўрсатмалар асосида текширилган бўлса-да, текширилган оқова сув таркибидаги ёғлар — МВИ 148:2000, ХПК — O'z O'U 0147:2000, хлоридлар — O'z O'U 0418:2009 методик кўрсатмалар асосида текширилганлигига, ушбу ҳужжатлар бекор қилинганлигини тасдиқловчи далиллар ишда мавжуд эмаслигига эътибор бермаган.

Биринчи инстанция суди эса, даъвонинг компенсация қисмини тўлиқ қаноатлантиришда РД — раҳбарий ҳужжатларнинг бекор қилинганлигига ҳуқуқий баҳо бермаган.

Ҳисобланган компенсация оқова сув таркибидаги зарарли моддаларнинг турлари бўйича таҳлил қилинганда, белгиланган меъёрдан ошиқ бўлган нефть маҳсулотлари юзасидан 17 963 569 сўм (РД 118.3897485.11-92), азот-аммоний моддаси юзасидан 25 485 сўм (РД 118.3897485.16-92) сузиб юрувчи ёт моддалар юзасидан 13 482 сўм (РД 118.3897485.6-92), ёғлар юзасидан 6 466 915 сўм (МВИ 148:2000), ХПК юзасидан 266 205 сўм (O'z O'U 0147:2000), хлоридлар юзасидан 2018 сўмни ташкил қилиши, РД - раҳбарий ҳужжатлар асосида ҳисобланган компенсациялар миқдори 18 002 536 сўмни, бошқа методик кўрсатмалар бўйича ҳисобланган компенсациялар миқдори 6 735 138 сўмни ташкил қилган.

Баён этилганларга кўра, даъвогарнинг жавобгардан 6 735 138 сўм компенсация тўлови асосий қарзни ундириш талаби асосли, даъво талабининг 18 002 536 сўм компенсация тўлови асосий қарзни ундириш қисми эса, асоссиз ҳисобланади ва ҳал қилув қарорининг ушбу қисмини ўзгартириш лозим бўлади.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати даъвогарнинг назорат шикоя-

тини қисман қаноатлантириш, апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш ва биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини жавобгардан даъвогар фойдасига 24 737 673

сўм асосий қарз ундириш қисмини 6 735 138 сўмга, 3 500 000 сўм пеня ундириш қисмини 1 000 000 сўмга ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилган.

4-1101-1803/3901-сонли иш

3. Агар суғурта ҳодисаси суғурта қилдирувчи, наф олувчи ёки суғурталанган шахснинг қасд қилиши оқибатида юз берган бўлса, суғурталовчи суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашдан озод қилинади. Қонунда суғурта ҳодисаси суғурта қилувчининг ёки наф олувчининг қўпол эҳтиёсизлиги оқибатида юзага келганда суғурталовчини мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурта товонини тўлашдан озод қилиш ёки товон миқдорини камайтириш ҳоллари назарда тутилиши мумкин.

Акциядорлик-тижорат банкининг суғурта компанияси акциядорлик жамиятидан 22 398 826 сўм суғурта пулини ундириш, ундирувни суғурта компанияси акциядорлик жамиятининг ҳисоб-рақамига ва мол-мулкларига қаратиш тўғрисидаги даъво аризаси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан қисман қаноатлантирилиб, даъвогар фойдасига жавобгардан 22 398 826 сўм суғурта пули ва суд харажатлари ундирилган. Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз, жавобгарнинг апелляция шикоят эса, қаноатлантирмасдан қолдирилган.

Иш ҳужжатларига кўра, банк билан "Х" масъулияти чекланган жамияти ўртасида тузилган автокредит шартномасига асосан, банк масъулияти чекланган жамиятига кредит маблағларини берган.

Кредит маблағларининг қайтарилиши таъминоти сифатида банк билан масъулияти чекланган жамияти ўртасида нотариал тартибда тузилган гаров шартномасига асосан масъулияти чекланган жамиятига тегишли автомашиналар гаровга қўйилган ва ҳар бир автомашинанинг келишилган (бошланғич сотув) баҳоси 47 500 000 сўм миқдоридан белгиланган.

Шунингдек, банк, масъулияти чекланган жамияти ва суғурта компанияси ўртасида гаровга қўйилаётган транспорт воситаларини суғурталаш бўйича тузилган суғурта шартномаси шартларига кўра, суғурта компанияси белгиланган муддатга қадар масъулияти чекланган

жамиятига тегишли гаровдаги автомашиналарга йўл-транспорт ҳодисаси, ёнғин, портлаш, транспорт воситасига предметларнинг тушиб кетиши, табиий офатлар, учинчи шахслар ноқонуний ҳаракатлари билан ифодаланган суғурта ҳодисалари натижасида юзага келган зарарни шартномада назарда тутилган шартларда масъулияти чекланган жамияти ёки банк (бенифициар)га қоплаш мажбуриятини, масъулияти чекланган жамияти эса, суғурта мукофотини тўлиқ ва ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олган ҳамда суғурта қиймати 95 000 000 сўм миқдоридан белгиланган.

Фуқаро И. масъулияти чекланган жамиятининг йўл варақаси асосида ўз бошқарувида бўлган, масъулияти чекланган жамиятига тегишли автотранспорт воситаси билан йўл-транспорт ҳодисаси содир қилган. "Мулк баҳолаш" масъулияти чекланган жамиятининг хулосасига кўра, йўл-транспорт ҳодисаси натижасида автотранспортга 22 398 826 сўм миқдоридан шикаст етказилганлиги аниқланган. Шу сабабли масъулияти чекланган жамияти суғурта товонини ундириш юзасидан судга мурожаат қилган ва суд томонидан даъво қаноатлантирилган бўлиб, апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Судлар бу тўхтама келишига тарафлар ўртасида тузилган суғурта шартномасининг 3.4-банди ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслигини асос қилиб кўрсатган.

Шартноманинг 3.4-бандида қайси ҳодисалар суғурта ҳодисаси ҳисобланмаслиги келтирилган бўлиб, ушбу банднинг "а" хатбошисида қайд эти-

лишича, амалдаги Йўл ҳаракати қоидаларига кўра, ҳаракатланиши тақиқланган, носозликларга эга бўлган ер усти транспорт воситасидан фойдаланиш натижасида суғурталанган мулкка зарар етиши суғурта ҳодисаси деб тан олинмайди.

Суғурта компанияси суғурта даъволарини кўриб чиқиш ва бартараф этиш комиссияси томонидан қарор қабул қилиниб, масъулияти чекланган жамияти ходими И. амалдаги Йўл ҳаракати қоидаларининг 7-банди, 11-банди "а" кичик банди, 77-банди ҳамда ушбу Қоидаларнинг 3-иловаси, яъни 5.1 ва 5.5-бандлари талабларини қўпол равишда бузганлиги натижасида йўл-транспорт ҳодисаси юз берганлиги, суғурта шартномасининг 3.4-бандида амалдаги Йўл ҳаракати қоидаларига кўра, ҳаракатланиш тақиқланган, носозликларга эга бўлган транспорт воситасидан фойдаланиш, белгиланган ҳаракат тезлигини ошириш, транспорт воситасини уни бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс ёки суғурта шартномасида транспорт воситасидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс сифатида кўрсатилмаган киши томонидан бошқарилиши натижасида юз берган ҳодисалар суғурта ҳодисаси сифатида тан олинмаслиги белгиланганлиги сабабли суғурта товонини тўлаш рад этилган.

Жиноят ишлари бўйича туман судининг ҳукми билан судланувчи И. амалдаги Йўл ҳаракати қоидаларининг 7-банди, 11-банди "а" кичик банди, 77-банди ҳамда Қоидаларнинг 3-иловаси, яъни 5.1 ва 5.5-бандлари талабларини қўпол равишда бузганлиги натижасида Жиноят кодексининг 266-моддаси учинчи қисми "а" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилиб, унга нисбатан жиноий жазо тайинланган.

Суд ҳукмида қайд этилишича, фуқаро И. бошқарувидаги автотранспорт воситаси техник носоз ҳолатда бўлган ва унинг ушбу носозликни олдиндан аниқлаш имкони бўлган.

Фуқаролик кодексининг 915-моддаси биринчи қисмига кўра, мулккий суғурта

шартномасига мувофиқ бир тараф (суғурталовчи) шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига шартномада назарда тутилган воқеа (суғурта ҳодисаси) содир бўлганда бошқа тарафга (суғурта қилдирувчига) ёки шартнома қайси шахсининг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахсга (наф олувчига) бу ҳодиса оқибатида суғурталанган мулкка етказилган зарарни ёхуд суғурталанувчининг бошқа мулккий манфаатлари билан боғлиқ зарарни шартномада белгиланган сумма (суғурта пули) доирасида тўлаш (суғурта товони тўлаш) мажбуриятини олади.

Ушбу кодекснинг 953-моддаси биринчи қисмига кўра, агар суғурта ҳодисаси суғурта қилдирувчи, наф олувчи ёки суғурталанган шахсининг қасд қилиши оқибатида юз берган бўлса, суғурталовчи суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашдан озод қилинади, қасддан қилинган ҳаракатлар улар томонидан зарурий мудофаа ёки охириги зарурат ҳолатида, шунингдек, ушбу модданин учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда содир этилиши бундан мустасно, иккинчи қисмига кўра, қонунда суғурта ҳодисаси суғурта қилувчининг ёки наф олувчининг қўпол эҳтиётсизлиги оқибатида юзага келганда суғурталовчини мулккий суғурта шартномаси бўйича суғурта товонини тўлашдан озод қилиш ёки товон миқдорини камайтириш ҳоллари назарда тутилиши мумкин.

Олий суд Пленумининг "Суғурта соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини судлар томонидан қўлланилишининг айрим масалалари тўғрисида" 2017 йил 29 ноябрдаги 45-сонли қарори 15.2-бандида, агар суғурталовчи суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни рад этиш ёхуд суғурта товони миқдорини камайтиришни суғурта қилдирувчи ёки наф олувчининг қўпол эҳтиётсизлиги оқибатида суғурта ҳодисаси юз берганлиги билан асослаган бўлса, бундай вазиятда суғурталовчини суғурта товони ёки суғурта пулини тўлашдан озод қилиш фақат қонунда тўғридан-тўғри белгилан-

ган ҳолларда йўл қўйилиши мумкинлиги, қонунда белгиланмаган қўпол эҳтиётсизлик оқибатида суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, суғурталовчининг суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни рад этиш ҳуқуқи назарда тутилган суғурта шартномасининг шarti ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Тарафлар ўртасида тузилган суғурта шартномасининг 3.4-бандида қонунда белгиланмаган қўпол эҳтиётсизлик оқибатида суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, суғурталовчининг суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни рад этиш ҳуқуқи назарда тутилмаганлигига, ушбу бандда суғурта ҳодисаси бўла олмайдиган ҳолатлар баён қилинганлигига судлар эътибор бермасдан, уни ўз-ўзидан ҳақиқий эмас, деб ҳисоблаган ва моддий ҳуқуқ нормасининг бузилишига йўл қўйган.

Шартномада суғурта ҳодисаси сифатида кўрсатилган воқеа юз бергандагина, суғурталовчи суғурта ҳодисаси қўпол эҳтиётсизлик оқибатида юз берган тақдирда, суғурталовчининг суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни рад этиш ҳуқуқи қонунда белгиланмаганлиги асосига кўра, суғурта товонини тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Суғурта ҳодисаси юз бермаганда эса, суғурталовчида суғурта товонини тўлаш мажбурияти, суғурталовчида эса, суғурта товонини талаб қилиш ҳуқуқи юзага келмайди.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ва апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, иш бўйича даъвони қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилди.

1701-1702/4378-сонли иш

4. Шартнома бекор қилинганда тарафларнинг мажбуриятлари бекор бўлади. Шартнома суд тартибида бекор қилинганда, шартнома бекор қилинган кун суднинг бу тўғрисидаги қарори қонуний кучга кирган кун бўлиб, шу кундан эътиборан тарафлар бир-бирларига шартнома асосида талаб қўйишга ёки ундаги қоидаларни қўллашга ҳақли эмас.

Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармасининг "Н" масъулияти чекланган жамияти манфаатида акциядорлик тижорат банкидан 46 720 737 сўм ундириш тўғрисидаги даъво аризаси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан қаноатлантиришдан рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш юзасидан даъвони қисман қаноатлантириш, жавобгардан даъвогар фойдасига 37 066 027 сўм ундириш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, банк билан "Н" масъулияти чекланган жамияти ўртасида тузилган кредит шартномасининг шартларига асосан, банк масъулияти чекланган жамиятига айланма маблағларини тўлдириш мақсадида, 18 ойга йиллик 16 фоиз устама тўлаш шarti билан 400 000 000 сўм кредит ажратган.

Масъулияти чекланган жамияти банк томонидан берилган кредитни ва унга ҳисобланган фоизларни белгиланган

муддатда қайтаришдан иборат бўлган мажбуриятини лозим даражада бажармаган ва банк кредит маблағлари ва унга ҳисобланган фоизни ундириш ҳамда шартномани бекор қилиш талаби билан судга мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан масъулияти чекланган жамиятидан банк фойдасига 399 995 004 сўм асосий кредит қарздорлиги, 17 496 976 сўм кредит фоизи ва 1 453 804 сўм пеня, жами 418 945 784 сўм ундирилиб, ундирув гаров мулкига қаратилган. Шунингдек, кредит шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган.

Ушбу ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суди томонидан шу кун ижро варақаси берилган бўлса-да, банк томонидан кредит шартномаси қоидаларига асосланган ҳолда масъулияти чекланган жамиятининг ҳисобварағидан пул маблағи ечиб олинган.

Савдо-саноат палатаси масъулияти чекланган жамияти манфаатида судга муурожаат қилиб, банкдан асоссиз равишда ечиб олинган 46 720 737 сўмни ундиришни сўраган.

Кредит шартномаси бекор бўлганлиги ва шу кундан эътиборан тарафлар ўртасидаги шартномавий мажбуриятлар бекор бўлиши биринчи инстанция судининг эътиборидан четда қолган. Банкнинг масъулияти чекланган жамияти ҳисобварағидан кредит шартномаси шартлари асосида пул маблағларини ечиб олганлиги тўғри деб топилиб, даъвони қаноатлантириш рад этилган.

Фуқаролик кодексининг 382-моддаси иккинчи қисмига кўра, иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса, ушбу кодекс, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Кодекснинг 385-моддасининг иккинчи қисмига кўра, шартнома бекор қилинганида тарафларнинг мажбуриятлари бекор бўлади.

Шартнома суд тартибида бекор қилинганда шартнома бекор қилинган кун — суднинг бу тўғрисидаги қарори қонуний кучга кирган кун бўлиб, шу кундан эътиборан тарафлар бир-бирларига шартнома асосида талаб қўйишга ёки ундаги қоидаларни қўллашга ҳақли эмас.

Апелляция инстанцияси суди ушбу ҳолатларни инобатга олган ҳолда низони ҳал қилишда биринчи инстанция суди иш учун аҳамиятли ҳолатларини тўлиқ аниқламаганлиги, у томонидан аниқланган деб ҳисобланган ҳолатлар исботланмасдан қолганлиги ҳамда

моддий ҳуқуқ нормалари нотўғри талқин қилингани ҳолда даъвони рад этиш ҳақида барвақт хулосага келганлиги сабабли ҳал қилув қарорини бекор қилган ва даъвони қисман қаноатлантириш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

Апелляция инстанцияси суди кредит шартномасининг муддатидан олдин бекор қилиниши кредит ташкилотини кредит шартномасини бекор қилиш пайтидан бошлаб қайтариш кунига қадар пул маблағларидан фойдаланилган бутун давр учун Фуқаролик кодексининг 327-моддасида назарда тутилган фоизларни олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмаслиги, мазкур жавобгарлик чораларини қўллаш масаласи низоли, яъни суд тартибида ҳал этилиши лозим бўлса-да, фоизлар жавобгар томонидан ноқонуний тарзда ушлаб қолинганлиги тўғрисида асосли тўхташга келган.

Амалдаги қонунчиликда ҳам, тарафлар ўртасида фуқаролик ҳуқуқий муносабатнинг вужудга келишига асос бўлган ҳамда суд тартибида бекор қилинган кредит шартномасида ҳам даъвогарнинг Фуқаролик кодексининг 327-моддасида назарда тутилган фоизларни сўзсиз ушлаб қолиш ҳуқуқи назарда тутилмаганлигига тўғри баҳо берилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига тўлиқ мос ҳолда қабул қилинган.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартирмасдан, банкнинг назорат шикоятини эса, қаноатлантирмасдан қолдириш тўғрисида қарор қабул қилди.

4-2201-1801/5005-сонли иш

5. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автотранспорт воситаларининг олди-сотди шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Битимнинг нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқариши ва бундай битим ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаслиги белгиланган.

Мазкур қонун нормалари талабларидан келиб чиқиб, тарафлар ўртасида тузилган олди-сотди шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳисобланади ва тарафлар учун унинг ҳақиқий эмаслигидан ташқари бошқа оқибат келтириб чиқармайди.

"S" масъулияти чекланган жамияти билан "B" масъулияти чекланган жамия-

ти ўртасида тузилган олди-сотди шартномасига кўра, "S" масъулияти чеклан-

ган жамияти 8 дона, ҳар бирининг қиймати 70 000 000 сўмдан бўлган автотранспорт воситаларини "В" масъулияти чекланган жамиятига етказиб бериш, "В" масъулияти чекланган жамияти эса, 100 фоиз олдиндан тўловни амалга оширган ҳолда автотранспорт воситаларини қабул қилиб олиш мажбуриятини олган.

Кейинчалик тарафлар ўртасида қайд этилган шартнома предмети бўлган автотранспорт воситаларининг ҳар бири бўйича алоҳида олди-сотди шартномалари тузилиб, ушбу шартномаларда "В" масъулияти чекланган жамияти банкдан олинган кредит маблағлари ҳисобидан ҳар бир транспорт воситаси учун 38 750 000 сўмдан тўловни амалга оширганлиги, қолган 31 250 000 сўм қисми шартномалар нотариал тартибда расмийлаштирилган ва гаров шартномаси тузилгандан сўнг 30 кун ичида тўлаб берилиши белгиланган.

"В" масъулияти чекланган жамияти томонидан олинган транспорт воситалари бўйича жами 560 000 000 сўм пул маблағлари даъвогарга тўлаб берилган.

"В" масъулияти чекланган жамияти томонидан транспорт воситалари учун тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги важи билан "S" масъулияти чекланган жамиятининг "В" масъулияти чекланган жамиятидан 259 680 000 сўм пеня ва 3 000 000 сўм зарар ундириш тўғрисида судга киритган даъво аризаси туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан қаноатлантиришдан рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво талабларини қисман қаноатлантириш, "В" масъулияти чекланган жамиятидан даъвогар "S" масъулияти чекланган жамияти фойдасига 39 000 000 сўм пеня ва 3 000 000 сўм зарар ундириш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

Фуқаролик кодексининг 386-моддаси биринчи қисмига кўра, олди-сотди шартномаси бўйича бир тараф (сотувчи) товарни бошқа тараф (сотиб олувчи)га мулк қилиб топшириш мажбуриятини, со-

тиб олувчи эса, бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул суммаси (баҳоси)ни тўлаш мажбуриятини олади.

Ушбу кодекснинг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса, иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Мазкур кодекснинг 333-моддасида қарздор, айби бўлган тақдирда, мажбуриятни бажармаганлиги учун агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб бериши белгиланган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, тарафлар ўртасида тузилган олди-сотди шартномасига кўра, даъвогар "S" масъулияти чекланган жамияти 8 дона, ҳар бирининг қиймати 70 000 000 сўмдан бўлган автотранспорт воситаларини жавобгар "В" масъулияти чекланган жамиятига етказиб бериш, жавобгар эса, 100 фоиз олдиндан тўловни амалга оширган ҳолда автотранспорт воситаларини қабул қилиб олиш мажбуриятини олган. Мазкур шартнома нотариал тартибда тасдиқланмаган.

Фуқаролик кодексининг 386-моддаси тўртинчи қисмига кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автотототранспорт воситаларининг олди-сотди шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Фуқаролик кодексининг 112-моддаси биринчи қисмида битимнинг нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқариши ва бундай битим ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаслиги белгиланган.

Мазкур қонун нормалари талабларидан келиб чиқиб, тарафлар ўртасида тузилган олди-сотди шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳисобланади ва тарафлар учун унинг ҳақиқий эмаслигидан ташқари бошқа оқибат келти-

риб чиқармайди.

Биринчи инстанция суди тарафлар ўртасида тузилган ушбу олди-сотди шартномаси нотариал тартибда тасдиқланмаганлиги сабабли даъво талаблари асоссизлиги ҳақида хулосага келган бўлса-да, тарафлар ўртасида кейинги тузилган шартномаларга ҳуқуқий баҳо бермаган.

Олий хўжалик суди Пленумининг "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида" 2007 йил 15 июндаги қарори 3-бандида қарор қачонки, унда иш учун аҳамиятли барча ҳолатлар баён этилган ва тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги хулосаларини тасдиқловчи далиллар келтирилган бўлса, асослантирилган ҳисобланиши, қарор иш ҳолатлари ҳақидаги тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва у далилларга унинг дахлдорлиги ва йўл қўйилишлилиги, ишончлилиги ва етарлилиги ҳақидаги ИПКнинг 69-75-моддалари талабларини инобатга олган ҳолда асослантирилган бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Юқорида қайд этилган олди-сотди шартномаси предмети бўлган автотранспорт воситаларининг ҳар бири бўйича тарафлар ўртасида кейинчалик алоҳида олди-сотди шартномалари тузилган ва мазкур шартномалар шу куннинг ўзида нотариал тартибда тасдиқланган.

Кассация инстанцияси суди тарафлар ўртасида нотариал тартибда тасдиқланган олди-сотди шартномалари тузилганлигини инобатга олиб, даъво талабларини қисман қаноатлантириш ҳақида хулосага келган. Бироқ апелляция инстанцияси суди томонидан мазкур шартномалар бўйича тўловни амалга ошириш тартиби ва шартларига эъти-

бор берилмаган.

Мазкур шартномаларда жавобгар "В" масъулияти чекланган жамияти банкдан олинган кредит маблағлари ҳисобидан ҳар бир транспорт воситаси учун 38 750 000 сўмдан тўловни амалга оширганлиги, қолган 31 250 000 сўм қисми шартномалар нотариал тартибда расмийлаштирилган ва гаров шартномаси тузилгандан сўнг 30 кун ичида тўлаб бериши белгиланган.

Банк ва жавобгар "В" масъулияти чекланган жамияти ўртасида мазкур автотранспорт воситаларини гаровга қўйиш юзасидан шартнома тузилган.

Бундай ҳолатда олди-сотди шартномаларининг 3-банди талабидан келиб чиқиб, жавобгар "В" масъулияти чекланган жамияти томонидан автотранспорт воситалари учун тўловни амалга оширишнинг охириги куни гаров шартномаси тузилгандан сўнг 30 кун ҳисобланиши керак.

Жавобгар "В" масъулияти чекланган жамияти транспорт воситаларининг тўлиқ қийматини шу муддатда даъвогар "S" масъулияти чекланган жамиятига тўлаб берган, яъни шартномалар бўйича тўлов мажбуриятининг кечикишига йўл қўймаган.

Юқорида қайд этилган ҳолатларга асосан, даъвогар "S" масъулияти чекланган жамиятининг даъво талабларини қаноатлантириш рад этилиши лозим эди.

Бундай ҳолатда судлов ҳайъати назорат шикоятини қисман қаноатлантириш, иш юзасидан қабул қилинган суд қарорларини бекор қилиш ва даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилишни лозим топди.

4-1001-1817/12925-сонли иш

Судьялар олий малака ҳайъатининг судьяларга малака даражалари бериш тўғрисидаги қарори

2019 йилнинг биринчи ярим йили

№5/2019

БЮЛЛЕТЕНЬ Верховного суда Республики Узбекистан

№	Ф.И.Ш.	Лавозими	Малака даражаси ва берилган сана
1	Бабамирзаева Бумайрам Абдулатиповна	Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг судьяси	25.01.2019 йил 1 малака даражаси
2	Тангриев Турсунбай Худайбердиевич	Бухоро вилояти Ромитан туман маъмурий судининг раиси	25.01.2019 йил 1 малака даражаси
3	Дўсалиев Шухратжон Толибжонович	Фарғона ҳарбий судининг раиси	25.01.2019 йил 2 малака даражаси
4	Асатов Ойбек Сунатиллаевич	Самарқанд вилоят иқтисодий судининг судьяси	25.01.2019 йил 2 малака даражаси
5	Муинов Бобир Баратович	Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳар маъмурий судининг раиси	25.01.2019 йил 2 малака даражаси
6	Юлдашев Жаҳонгир Иномович	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмалари судлар ва судлар ҳамжамиятининг органлари билан ҳамкорлик қилиш шўъбаси бош инспектори	25.01.2019 йил 2 малака даражаси
7	Тилавов Джамшид Шавкатович	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмалари судлар ва судлар ҳамжамиятининг органлари билан ҳамкорлик қилиш шўъбаси етакчи инспектори	25.01.2019 йил 2 малака даражаси
8	Абдувахабов Илхом Маматюсуфович	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмалари солиқ ва божхона органлари фаолиятини мувофиқлаштириш шўъбаси етакчи инспектори	25.01.2019 йил 2 малака даражаси
9	Сабилов Баҳрам Низаматдинович	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмалари юридик таъминлаш шўъбаси етакчи инспектори	25.01.2019 йил 2 малака даражаси
10	Кариева Лилия Ваитовна	Тошкент вилоят иқтисодий судининг судьяси	25.01.2019 йил 3 малака даражаси
11	Опаева Гулчеҳра Уразалиевна	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Чирчиқ туманлараро судининг судьяси	25.01.2019 йил 3 малака даражаси
12	Раимкулов Нодиржон Носирович	Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг судьяси	25.01.2019 йил 3 малака даражаси
13	Эргашев Фаррух Алишерович	Тошкент шаҳар Олмазор туман маъмурий судининг судьяси	25.01.2019 йил 3 малака даражаси
14	Парпиев Хусанбой Шовдонбекович	Тошкент шаҳар Учтепа туман маъмурий судининг судьяси	25.01.2019 йил 3 малака даражаси

15	Талипов Сухроб Максуджанович	Тошкент шаҳар Миробод туман маъмурий судининг судьяси	25.01.2019 йил 3 малака даражаси
16	Набиев Мажит Садуллоевич	Тошкент вилояти Бекобод туманлараро иқтисодий судининг судьяси	25.01.2019 йил 3 малака даражаси
17	Хаитбоев Алибек Отабекович	Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманлараро иқтисодий судининг судьяси	25.01.2019 йил 3 малака даражаси
18	Эргашев Мансур Фазилович	Тошкент шаҳар Тошкент туманлараро иқтисодий судининг судьяси	25.01.2019 йил 3 малака даражаси
19	Тўраев Бекзод Бахшуллаевич	Тошкент вилояти Чирчиқ туманлараро иқтисодий судининг судьяси	25.01.2019 йил 4 малака даражаси
20	Бобоев Жонибек Рўзиевич	Тошкент шаҳар Яккасарой туман маъмурий судининг судьяси	25.01.2019 йил 4 малака даражаси
21	Саидмуратов Баходир Бахтиёрвич	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманлараро судининг судьяси	25.01.2019 йил 4 малака даражаси
22	Умаралиев Сардор Ахмаджанович	Бухоро вилояти Бухоро туманлараро иқтисодий судининг судьяси	25.01.2019 йил 4 малака даражаси
23	Холжигитов Шерзод Мирзалиевич	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманлараро судининг судьяси	25.01.2019 йил 5 малака даражаси
24	Муминова Фируза Исмаиловна	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Оҳангарон туманлараро судининг судьяси	25.01.2019 йил 5 малака даражаси
25	Шукурлаева Гули Юсуповна	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманлараро судининг судьяси	25.01.2019 йил 5 малака даражаси
26	Норхужаев Рустам Нурмахмат ўғли	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой туманлараро судининг судьяси	25.01.2019 йил 5 малака даражаси
27	Ботиров Салим Файзиевич	Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти Фориш туман судининг раиси	25.01.2019 йил 5 малака даражаси
28	Норқўзиёв Анвар Рахмонбердиевич	Жиззах вилояти Янгибод туман маъмурий судининг раиси	25.01.2019 йил 5 малака даражаси
29	Абдуллаев Элдор Анарбаевич	Жиззах вилояти Фориш туман маъмурий судининг раиси	25.01.2019 йил 5 малака даражаси
30	Тожибоев Эрмамат Эгамбердиевич	Жиззах вилояти Зарбдор туман маъмурий судининг раиси	25.01.2019 йил 5 малака даражаси
31	Ибодуллаев Фахриддин Эшмурзаевич	Жиззах вилояти Мирзачўл туман маъмурий судининг раиси	25.01.2019 йил 5 малака даражаси
32	Ортиқов Элмуроджон Мирзарахимович	Фарғона вилояти Данғара туман маъмурий судининг раиси	25.01.2019 йил 5 малака даражаси
33	Таджиев Ибрагим Исакович	Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси	15.02.2019 йил 1 малака даражаси
34	Арапов Рахматжон Эргашович	Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг судьяси	15.02.2019 йил 2 малака даражаси
35	Пўлатов Ўқтамжон Мансурович	Фарғона вилоят маъмурий судининг судьяси	15.02.2019 йил 2 малака даражаси
36	Элиев Шерзод Худойкулович	Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилояти судининг судьяси	15.02.2019 йил 2 малака даражаси
37	Сафоева Садоқат Мусоевна	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманлараро судининг судьяси	15.02.2019 йил 2 малака даражаси
38	Астанов Мумин Каримович	Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси	15.02.2019 йил 2 малака даражаси
39	Алмуратова Дилором Усмановна	Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилояти судининг судьяси	15.02.2019 йил 3 малака даражаси
40	Хабибуллаев Азамат Анварович	Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти Тошлоқ туман судининг раиси	15.02.2019 йил 3 малака даражаси
41	Қодиров Самаджон Адхамжонович	Наманган вилояти Поп туман маъмурий судининг раиси	15.02.2019 йил 3 малака даражаси

42	Эргашев Жуманазар Одилович	Наманган туманлараро иқтисодий судининг раиси	15.02.2019 йил 3 малака даражаси
43	Нуримов Орифжон Тоштемирович	Самарқанд вилоят иқтисодий судининг судьяси	15.02.2019 йил 4 малака даражаси
44	Бердияров Рахматжон Тожинорович	Жиззах вилоят иқтисодий судининг судьяси	15.02.2019 йил 4 малака даражаси
45	Садиқов Хуршид Примқулович	Тошкент вилояти Чиноз туман маъмурий судининг раиси	15.02.2019 йил 4 малака даражаси
46	Юлдашев Бахтиёр Рахимович	Фарғона вилояти Сўх туман маъмурий судининг раиси	15.02.2019 йил 5 малака даражаси
47	Соатов Дилшод Туйчиевич	Жиззах вилояти Фориш туман иқтисодий судининг раиси	15.02.2019 йил 4 малака даражаси
48	Умаров Мўминжон Каримович	Наманган туманлараро иқтисодий судининг судьяси	15.02.2019 йил 5 малака даражаси
49	Джамолов Шерзод Шукриллоевич	Хоразм вилояти Шовот туманлараро иқтисодий судининг раиси	15.02.2019 йил 4 малака даражаси
50	Рустамов Сардорбек Ахматжонович	Фарғона вилояти Риштон туманлараро иқтисодий судининг раиси	15.02.2019 йил 4 малака даражаси
51	Юлдашев Шерзод Юлдашович	Сурхондарё вилояти Шўрчи туман маъмурий судининг раиси	15.02.2019 йил 4 малака даражаси
52	Рахимжонов Рахмонберди Қамбаридинович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Чиноз туман судининг судьяси	15.02.2019 йил 5 малака даражаси
53	Абдураззақов Азиз Абдураззақович	Тошкент вилояти Зангиота туман маъмурий судининг раиси	15.02.2019 йил 5 малака даражаси
54	Турсунов Сухроб Норкулович	Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти Каттакўрғон туманлараро судининг судьяси	15.02.2019 йил 5 малака даражаси
55	Шарипов Фарход Самеевич	Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти Пайариқ туманлараро судининг судьяси	15.02.2019 йил 5 малака даражаси
56	Мажидов Фаррух Комилович	Самарқанд вилояти Тайлоқ туманлараро иқтисодий судининг судьяси	15.02.2019 йил 5 малака даражаси
57	Қазақов Махмуд Баҳодирович	Хоразм вилояти Урганч туманлараро иқтисодий судининг судьяси	15.02.2019 йил 5 малака даражаси
58	Ҳамидов Феруз Ибрагимович	Фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти Кармана туманлараро судининг судьяси	15.02.2019 йил 5 малака даражаси
59	Козиев Ислонжон Исмоилович	Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти Учқўрғон туманлараро судининг судьяси	15.02.2019 йил 5 малака даражаси
60	Исматова Азиза Собирджонова	Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти Тайлоқ туманлараро судининг судьяси	15.02.2019 йил 5 малака даражаси
61	Рахимов Анвар Матякубович	Фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилояти Боғот туманлараро судининг судьяси	15.02.2019 йил 5 малака даражаси
62	Матниязов Жамол Захирович	Фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилояти Боғот туманлараро судининг судьяси	15.02.2019 йил 5 малака даражаси
63	Дадабаев Алишер Асқарович	Наманган вилояти Чуст туманлараро иқтисодий судининг судьяси	15.02.2019 йил 5 малака даражаси
64	Жакеев Сабит Калдибекович	Навоий вилояти Кармана туманлараро иқтисодий судининг судьяси	15.02.2019 йил 5 малака даражаси
65	Ҳамидов Шерали Зарипович	Навоий вилояти Навбаҳор туманлараро иқтисодий судининг судьяси	15.02.2019 йил 5 малака даражаси
66	Давлатов Баходир Худойберганович	Хоразм вилояти Боғот туманлараро иқтисодий судининг судьяси	15.02.2019 йил 5 малака даражаси
67	Улуғбеков Машрабжон Рузибувиевич	Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти Кўқон шаҳар судининг судьяси	15.02.2019 йил 5 малака даражаси
68	Обидов Бахтиёр Махмуджонович	Жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти Поп туман судининг судьяси	15.02.2019 йил 5 малака даражаси

69	Кудратов Аброр Хамидуллаевич	Тошкент вилояти Пскент туман маъмурий судининг раиси	15.02.2019 йил 5 малака даражаси
70	Матниязов Сардорбек Хожиназарович	Тошкент вилояти Бўстонлиқ туман маъмурий судининг раиси	15.02.2019 йил 5 малака даражаси
71	Қобилов Мухиддин Элмуродович	Тошкент вилояти Бекобод туман маъмурий судининг раиси	15.02.2019 йил 5 малака даражаси
72	Хамидов Хусан Файзуллаевич	Тошкент вилояти Нурафшон шаҳар маъмурий судининг раиси	15.02.2019 йил 5 малака даражаси
73	Рахимов Азизжон Азимжонович	Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳар маъмурий судининг раиси	15.02.2019 йил 5 малака даражаси
74	Рахмудинов Сардор Жураевич	Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман маъмурий судининг судьяси	15.02.2019 йил 4 малака даражаси
75	Хонкелдиев Азиз Уткирович	Тошкент вилояти Паркент туман маъмурий судининг раиси	15.02.2019 йил 3 малака даражаси
76	Ибрагимов Анвар Лугманович	Тошкент шаҳар Тошкент туманлараро иқтисодий судининг судьяси	01.03.2019 йил 2 малака даражаси
77	Турсунов Зафарбек Савранбекович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг судьяси	01.03.2019 йил 5 малака даражаси
78	Юлдашев Шерзод Абдулхамитович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Сирғали туман судининг судьяси	01.03.2019 йил 5 малака даражаси
79	Эргашев Маъруфжон Махмуджонович	Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман маъмурий судининг судьяси	01.03.2019 йил 5 малака даражаси
80	Турсунов Хусан Мирзаевич	Қашқадарё вилояти Қарши туманлараро иқтисодий судининг судьяси	01.03.2019 йил 5 малака даражаси
81	Аманов Фаррух Анваржонович	Фарғона вилояти Қўқон туманлараро иқтисодий судининг судьяси	01.03.2019 йил 5 малака даражаси
82	Эргашев Умиджон Хожимамаат ўғли	Фарғона вилояти Риштон туманлараро иқтисодий судининг судьяси	01.03.2019 йил 5 малака даражаси
83	Бойназаров Хусниддин Алижонович	Фарғона вилояти Марғилон туманлараро иқтисодий судининг судьяси	01.03.2019 йил 5 малака даражаси
84	Сапаев Музаффар Махсудович	Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Чимбой туманлараро судининг раиси	01.03.2019 йил 5 малака даражаси
85	Омонов Шехроз Тураевич	Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти Когон туманлараро судининг судьяси	01.03.2019 йил 5 малака даражаси
86	Рахимов Азамат Оқбоевич	Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилояти Сариосиё туманлараро судининг судьяси	01.03.2019 йил 5 малака даражаси
87	Журабаев Анваржон Анорбоевич	Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё туманлараро судининг судьяси	01.03.2019 йил 5 малака даражаси
88	Файзиев Зубайдулло Мурадуллаевич	Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти Боёвут туманлараро судининг судьяси	01.03.2019 йил 5 малака даражаси
89	Гадаев Нодир Алишеревич	Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманлараро судининг судьяси	01.03.2019 йил 5 малака даражаси
90	Абдуллаев Лазиз Амриллаевич	Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Қарши туманлараро судининг судьяси	01.03.2019 йил 5 малака даражаси
91	Махаммадиева Латофат Асқаровна	Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Қарши туманлараро судининг судьяси	01.03.2019 йил 5 малака даражаси
92	Сулайманов Нодир Баходирович	Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилояти Қўқон туманлараро судининг судьяси	01.03.2019 йил 5 малака даражаси
93	Таджиев Шерзод Мухторович	Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилояти Риштон туманлараро судининг судьяси	01.03.2019 йил 5 малака даражаси
94	Анваров Санжар Лазизович	Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилояти Ўзбекистон туманлараро судининг судьяси	01.03.2019 йил 5 малака даражаси
95	Аллаярова Муаттар Чарияровна	Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилояти Кумқўрғон туманлараро судининг судьяси	01.03.2019 йил 5 малака даражаси

96	Соибназаров Элёрбек Сайибназарович	Сирдарё вилояти Гулистон туманлараро иқтисодий судининг судьяси	01.03.2019 йил 5 малака даражаси
97	Якубов Зафар Атабаевич	Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Беруний туман судининг раиси	01.03.2019 йил 5 малака даражаси
98	Бекимбетов Махсет Адилханович	Қорақалпоғистон Республикаси Тахтақўпир туман маъмурий судининг раиси	01.03.2019 йил 5 малака даражаси
99	Байимбетова Зухра Расбергеновна	Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туман маъмурий судининг раиси	01.03.2019 йил 5 малака даражаси
100	Салиев Амангелди Ганибаевич	Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар маъмурий судининг раиси	01.03.2019 йил 5 малака даражаси
101	Тошев Дусмурод Баратович	Тошкент шаҳар Чилонзор туман маъмурий судининг судьяси	01.03.2019 йил 5 малака даражаси
102	Хожиев Абдусайд Худайбердиевич	Тошкент шаҳар Сирғали туман маъмурий судининг судьяси	01.03.2019 йил 5 малака даражаси
103	Юсупов Акрам Абдихидович	Тошкент шаҳар Яшнобод туман маъмурий судининг судьяси	01.03.2019 йил 5 малака даражаси
104	Нуриддин Зохиддин Нуриддин ўғли	Тошкент шаҳар Бектемир туман маъмурий судининг судьяси	01.03.2019 йил 5 малака даражаси
105	Содиқов Хуршид Абдисамад ўғли	Тошкент шаҳар Юнусобод туман маъмурий судининг судьяси	01.03.2019 йил 5 малака даражаси
106	Нийматов Мансур Нурмаматович	Сирдарё вилояти Ховос туман маъмурий судининг раиси	01.03.2019 йил 5 малака даражаси
107	Суванов Сардор Бахадирович	Сирдарё вилояти Гулистон туман маъмурий судининг раиси	01.03.2019 йил 5 малака даражаси
108	Тогаев Муродулло Рахмат ўғли	Сирдарё вилояти Сардоба туман маъмурий судининг раиси	01.03.2019 йил 5 малака даражаси
109	Аллаев Абдулло Садуллоевич	Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг судьяси	15.03.2019 йил 2 малака даражаси
110	Ибодов Авазжон Ниёзович	Жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти Навбахор туман судининг раиси	15.03.2019 йил 3 малака даражаси
111	Фармонов Бахтиёр Тўйчиевич	Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти Жомбой туманлараро судининг раиси	15.03.2019 йил 3 малака даражаси
112	Хамроев Наврўз Эргашевич	Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Чироқчи туман судининг судьяси	15.03.2019 йил 4 малака даражаси
113	Хўжаниёзов Шерзод Камилжанович	Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти Янгибозор туман судининг раиси	15.03.2019 йил 5 малака даражаси
114	Мадрахимов Тожддин Насимжанович	Фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг судьяси	15.03.2019 йил 5 малака даражаси
115	Тухтаев Шерзод Мусирмонович	Самарқанд вилояти Булунғур туман маъмурий судининг раиси	15.03.2019 йил 5 малака даражаси
116	Содиқов Собир Шухратович	Самарқанд вилояти Иштихон туман маъмурий судининг раиси	15.03.2019 йил 5 малака даражаси
117	Очилов Дилмурод Мадаминович	Хоразм вилояти Урганч шаҳар маъмурий судининг раиси	15.03.2019 йил 5 малака даражаси
118	Ражабов Бегзод Бахтиёрович	Хоразм вилояти Янгиариқ туман маъмурий судининг раиси	15.03.2019 йил 5 малака даражаси
119	Шарипов Дилшод Сабурович	Хоразм вилояти Ҳазорасп туман маъмурий судининг раиси	15.03.2019 йил 5 малака даражаси
120	Исмаилов Илҳомбой Зарипбаевич	Хоразм вилояти Шовот туман маъмурий судининг раиси	15.03.2019 йил 5 малака даражаси
121	Ибрагимов Тимур Равшанбекович	Хоразм вилояти Янгибозор туман маъмурий судининг раиси	15.03.2019 йил 5 малака даражаси
122	Юсупов Темурбек Дурдибаевич	Хоразм вилояти Хива шаҳар маъмурий судининг раиси	15.03.2019 йил 5 малака даражаси

123	Кенджаев Рустам Валиевич	Бухоро вилояти Қоровулбозор туман маъмурий судининг раиси	15.03.2019 йил 5 малака даражаси
124	Саидов Маъруф Рахматович	Бухоро вилояти Шофиркон туман маъмурий судининг раиси	15.03.2019 йил 5 малака даражаси
125	Қадиров Умид Муртазаевич	Бухоро вилояти Қоракўл туман маъмурий судининг раиси	15.03.2019 йил 5 малака даражаси
126	Исаков Зафарбек Баходирович	Навоий вилояти Зарафшон шаҳар маъмурий судининг раиси	15.03.2019 йил 5 малака даражаси
127	Утамуродов Зарифжон Муҳаммадқулович	Навоий вилояти Томди туман маъмурий судининг раиси	15.03.2019 йил 5 малака даражаси
128	Хакимов Ихтиёр Абдусатторович	Сирдарё вилоят иқтисодий судининг судьяси	05.04.2019 йил 2 малака даражаси
129	Юлдашев Илхом Бобожонович	Бухоро вилоят иқтисодий судининг судьяси	05.04.2019 йил 3 малака даражаси
130	Сиддиқова Феруза Муҳаммедовна	Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг судьяси	05.04.2019 йил 3 малака даражаси
131	Мирзажонов Нодирбек Рустамович	Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти Учкўприк туман судининг раиси	05.04.2019 йил 4 малака даражаси
132	Хакимов Элёрбек Хакимович	Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти Кўқон шаҳар судининг судьяси	05.04.2019 йил 4 малака даражаси
133	Қамбарова Фаёза Шарафовна	Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Қамаши туман судининг раиси	05.04.2019 йил 4 малака даражаси
134	Сафаров Азиз Сулаймонович	Бухоро вилояти Ромитан туманлараро иқтисодий судининг раиси	05.04.2019 йил 5 малака даражаси
135	Қадиров Файзулло Толибович	Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти Қоракўл туманлараро судининг судьяси	05.04.2019 йил 5 малака даражаси
136	Бахромов Алишер Яхё ўғли	Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро судининг судьяси	05.04.2019 йил 5 малака даражаси
137	Хакимова Хуснора Турадждонова	Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси	19.04.2019 йил 2 малака даражаси
138	Бобоноров Давлат Хакимович	Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси	19.04.2019 йил 2 малака даражаси
139	Атабаев Тиллавожди Собирович	Фарғона вилоят иқтисодий судининг раиси	19.04.2019 йил 2 малака даражаси
140	Аширматов Сагдулла Нигматович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Қибрай туман судининг раиси	19.04.2019 йил 2 малака даражаси
141	Олмосов Эгамберди Шодмонкулович	Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят судининг судьяси	19.04.2019 йил 3 малака даражаси
142	Махаметов Санжар Кучкарович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туман судининг судьяси	19.04.2019 йил 3 малака даражаси
143	Абдукахарова Дурдонахон Махаматходжаевна	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси	19.04.2019 йил 3 малака даражаси
144	Аннаева Таслима Амировна	Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманлараро иқтисодий судининг раиси	19.04.2019 йил 3 малака даражаси
145	Аллаев Одил Неъматович	Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти Пастдарғом туман судининг судьяси	19.04.2019 йил 4 малака даражаси
146	Курбанова Ирода Яминовна	Тошкент вилояти Зангиота туманлараро иқтисодий судининг судьяси	19.04.2019 йил 4 малака даражаси
147	Мусаев Дилмурад Нишанбаевич	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Куйи Чирчиқ туманлараро судининг судьяси	19.04.2019 йил 4 малака даражаси
148	Исомиддинов Хуршидбек Қобилович	Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилояти Бўз туманлараро судининг судьяси	19.04.2019 йил 5 малака даражаси
149	Обидинов Гиёсиддин Низамидинович	Фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг судьяси	19.04.2019 йил 5 малака даражаси

150	Комилова Муқаддас Абдухафизовна	Фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг судьяси	19.04.2019 йил 5 малака даражаси
151	Усанов Ғайрат Норқўзиёвич	Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг судьяси	19.04.2019 йил 5 малака даражаси
152	Карабоев Жўрабек Муротович	Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг судьяси	17.05.2019 йил 1 малака даражаси
153	Бобоқулов Хамид Махмадўстович	Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг судьяси	17.05.2019 йил 2 малака даражаси
154	Солиев Набижон Рахматуллаевич	Навоий вилоят маъмурий судининг судьяси	17.05.2019 йил 2 малака даражаси
155	Маматов Акмалжон Ботирович	Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилояти Избоскан туманлараро судининг раиси	17.05.2019 йил 2 малака даражаси
156	Мирзаев Шоятбек Козимжонович	Андижон вилояти Андижон туманлараро иқтисодий судининг раиси	17.05.2019 йил 2 малака даражаси
157	Баймуратов Бердимурат Амангелдиевич	Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманлараро иқтисодий судининг судьяси	17.05.2019 йил 2 малака даражаси
158	Хакимова Нодира Жалаловна	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси	17.05.2019 йил 3 малака даражаси
159	Шуқуров Анвар Исламович	Фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти Зарафшон туманлараро судининг раиси	17.05.2019 йил 3 малака даражаси
160	Болиев Шарофиддин Облакулович	Жиззах вилоят маъмурий судининг судьяси	17.05.2019 йил 3 малака даражаси
161	Пардаев Фазлиддин Шамсиевич	Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти Дўстлик туман судининг раиси	17.05.2019 йил 3 малака даражаси
162	Хонбўтаева Дилноза Усмоналиевна	Жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти Зарафшон шаҳар судининг раиси	17.05.2019 йил 3 малака даражаси
163	Гофуров Музаффар Мирзажонович	Наманган вилояти Янгикўрғон туман маъмурий судининг раиси	17.05.2019 йил 3 малака даражаси
164	Зайнабидинов Носир Сирожиidinovich	Жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти Избоскан туман судининг раиси	17.05.2019 йил 4 малака даражаси
165	Хашимхонов Аҳрорхон Муминович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой туман судининг судьяси	17.05.2019 йил 4 малака даражаси
166	Саттаров Алишер Ярашевич	Тошкент шаҳар Учтепа туман маъмурий судининг судьяси	17.05.2019 йил 4 малака даражаси
167	Эшматов Дилшод Рахмон ўғли	Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар судининг раиси	14.06.2019 йил 2 малака даражаси
168	Шадманов Шавкатжон Толкинбаевич	Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судининг судьяси	14.06.2019 йил 2 малака даражаси
169	Баракабаев Ойбек Аъзамжонович	Андижон вилоят маъмурий судининг судьяси	14.06.2019 йил 2 малака даражаси
170	Солиев Сарвар Ғайратжонович	Тошкент шаҳар Тошкент туманлараро иқтисодий судининг раиси	14.06.2019 йил 2 малака даражаси
171	Ахмедов Мамадали Қазоқбоевич	Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг судьяси	14.06.2019 йил 3 малака даражаси
172	Норбеков Воҳиджон Холбекович	Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар судининг судьяси	14.06.2019 йил 3 малака даражаси
173	Абдурасулов Салимжон Олимович	Навоий вилоят иқтисодий судининг судьяси	14.06.2019 йил 3 малака даражаси
174	Нуримов Орифжон Тоштемирович	Самарқанд вилоят иқтисодий судининг судьяси	14.06.2019 йил 3 малака даражаси
175	Шералиев Асроржон Максудович	Андижон вилоят маъмурий судининг судьяси	14.06.2019 йил 3 малака даражаси
176	Тагаев Бекзод Базарович	Қашқадарё вилояти Миришкор туман маъмурий судининг раиси	14.06.2019 йил 3 малака даражаси

177	Нематиллаев Урал Холмуродович	Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманлараро судининг раиси	14.06.2019 йил 3 малака даражаси
178	Жўрабоев Сардор Тахирович	Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят судининг судьяси	14.06.2019 йил 4 малака даражаси
179	Бердиев Баҳром Бахтиёрович	Андижон вилояти Асака туман маъмурий судининг раиси	14.06.2019 йил 5 малака даражаси
180	Сайдахмедов Аббос Алижонович	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманлараро судининг судьяси	14.06.2019 йил 5 малака даражаси
181	Султанова Адила Хайритдиновна	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманлараро судининг судьяси	14.06.2019 йил 5 малака даражаси
182	Гулямова Озода Миркамаловна	Тошкент шаҳар Тошкент туманлараро иқтисодий судининг судьяси	14.06.2019 йил 5 малака даражаси
183	Захидова Нозима Хакимовна	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро судининг судьяси	14.06.2019 йил 5 малака даражаси
184	Хамраева Элвира Дамировна	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой туманлараро судининг судьяси	14.06.2019 йил 5 малака даражаси
185	Хасанов Дилшод Розбаевич	Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг судьяси	14.06.2019 йил 5 малака даражаси
186	Байбеков Аъзам Абдурашитович	Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилояти Жиззах туманлараро судининг судьяси	14.06.2019 йил 5 малака даражаси
187	Рўзиев Анвар Обидович	Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти Ғиждувон туманлараро судининг судьяси	14.06.2019 йил 5 малака даражаси
188	Холиқов Умиджон Абдумажитович	Андижон вилояти Бўз туманлараро иқтисодий судининг судьяси	14.06.2019 йил 5 малака даражаси
189	Эргашев Олим Шавкатович	Жиззах вилояти Дўстлик туманлараро иқтисодий судининг судьяси	14.06.2019 йил 5 малака даражаси
190	Болтаев Музаффар Исмаилович	Бухоро вилояти Когон туманлараро иқтисодий судининг судьяси	14.06.2019 йил 5 малака даражаси
191	Абдуллаев Хайрулло Гайбуллоевич	Бухоро вилояти Ғиждувон туманлараро иқтисодий судининг судьяси	14.06.2019 йил 5 малака даражаси